

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

«ҲИМОЯГА»

Кафедра мудири

« ____ » _____ 2014 й

**ТАТУ ФАРҒОНА ФИЛИАЛ ВЕБ САЙТИДА ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА
ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТИНИ ЯРАТИШ**

МАВЗУСИДА

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

БИТИРУВЧИ:

**О.Тўхтасинова
610-10 гуруҳ талабаси**

Фарғона 2014

Мундарижа

КИРИШ	3
I. АНАЛИТИК ҚИСМ.....	6
1.1 PHP дастурлаш тили ва уни бугунги Интернет сайтларни яратиш жараёнидаги аҳамияти.	6
1.1.1 PHP ҳақида тушунча	6
1.1.2 PHP тили асослари	8
1.2 PHP технологияларида маълумотлар базасини яратиш.	18
1.2.1 MySQL ҳақида тушунча	18
1.2.2 МББТ MySQL да SQL тилининг реализацияси ва PHP бошқарилувши сўров	20
II. ЛОЙИҲАЛАШ ҚИСМИ	26
2.1 CMS тизимлари ва унинг турлари	26
2.2 Drupal нима ва унинг имкониятлари	35
2.3 Macromedia Dreamweaver дастурий тизими имкониятларини фойдаланиш.....	49
2.4 Компютер графикаси. Adobe Photoshop дастури имкониятларидан фойдаланиш.	56
III. ТАДБИҚ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЛОЙИҲА САМАДОРЛИГИ	59
3.1 Яратилган электрон кутубхона тизимининг бошқарув қисми ва сайтга маълумот киритиш тартиби	59
3.2 Тизимнинг фойдаланувчи интерфейси билан танишиш	63
3.3 Тизимнинг самадорлик кўрсаткичлари	65
IV. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ.....	67
ХУЛОСА	77
Фойдаланилган адабиётлар.....	79

КИРИШ

Ахборот–коммуникация технологиялари (АКТ) ҳаётимизнинг барча жабҳаларига изчил кириб бормоқда. Мамлакатимизда ахборотлашган жамият куриш бўйича халқ хўжалиги соҳаларида, ишлаб чиқариш ва таълим тизимида кенг миқёсда ислоҳатлар олиб борилмоқда. Ахборотлаштириш, замонавий АКТни жадал ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида ундан самарали фойдаланиш борасида устивор йўналишлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080 сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 июндаги 200-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 11 декабрдаги 561–II–сонли «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, 2004 йил 29 апрелдаги 611–II–сонли «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730 сонли «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши АКТни соҳаларга сингдириш ва уларни ривожлантириш борасида жадал кўйилган қадамлар ҳисобланади.

Жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, АКТдан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар орасида тезкор мулоқат ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, тақдим этиладиган хизматлардан кенг қамровли фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосиди «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари ҳақидаги Низом» ва «Базавий интерактив давлат хизматлари реестри» тасдиқланган.

Таълим соҳасини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш, бошқарувда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида салмоқли ислохатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория ва техник жиҳозлар, компьютерлар, мультимедиали электрон ресурслар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминланганлиги ҳамда масофавий таълимни жорий этиш учун етарли асос яратилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Эндиликда ахборотлашган жамият соҳаларида маълумотларга ишлов бериш, қайта ишлаш, мақсадга кўра уларни шакллантириш ва реал вақт оралиғида ўз эгасига етказиб бериш каби махсус хизматларни амалга оширувчи автоматлашган ахборот тизимлари ёрдамида кўрсатиладиган интерактив хизматларларга талаблар кундан-кунга ортиб бормоқда. Интерактив хизмат деганда соҳа ёки ташкилотда кечаётган воқелик ва автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБТ) базасидаги ахборотларни эҳтиёжлар асосида фойдаланувчиларга ўзаро мулоқат ёрдамида кенг қамровли етказиб бериш хизмати тушунилади. Демак, ҳар қандай соҳа ташкилотида тезкор интерактив хизматларни амалга ошириш учун авваламбор, ташкилот техник жиҳозлар, компьютерлар ва уларга мос замонавий дастурий таъминотлар (ДТ) билан таъминланган ҳамда автоматлашган бошқарув тизимига эга бўлиши зарур. Ҳукуматимиз томонидан таълим соҳасининг ривожига, баркамол авлодни юксак-маънавиятли, замонавий билимлар эгаси бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши таълим тизимини тубдан янгилаб, жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этишга ундамоқда. 2012 йил февраль ойида Тошкент

шаҳрида ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро симпозиумда таълим тизимига бўлган эзгу муносабат яққол ўз исботини топганлигини айтиш жоиз. Бугунги ахборотнинг глобаллашуви жараёнида таълим тизимини АКТ билан уйғунликда олиб бориш самарали натижалар бериши айнан ҳақиқат.

Бу соҳада эришилган ютуқлар қаторига Ҳалқ таълими вазирлиги тасарруфида “Ахборот-таълим портали” нинг яратилиши, Мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг ишга туширилиши, Ziyonet ахборот-таълим тармоғининг ташкил этилиши ва ҳар бир таълим муассасасида ахборот-ресурс марказларини ташкил қилиниши ҳамда уларни веб-сайтларини Интернет тармоғига қўйилишини келтириш мумкин. Шунингдек, ОТМ таълим тизимини автоматлаштириш борасида бир қатор ДТлар яратилган. Лекин, мавжуд ДТ маълумотлар базаларини умумлаштириш, ягона ахборот маконига айлантириш долзарб муаммолигича қолмоқда. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида қўлланилаётган, йирик компания ва фирмалар томонидан яратилган ДТлардан, таълим тизимида тўғридан-тўғри фойдаланиш таълимга нотўғри ёндашувни келтириб чиқаради. Чунки, ҳар бир давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати ва таълим тизимини бошқариш усуллари турличадир. Демак, таълим тизими фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиб ДТларни яратиш муҳим аҳамиятга молик.

Шу боис, таълим соҳаси фаолиятини электрон-кутубхона муҳитини яратиш ва уни жорий этиш бугунги куннинг муҳим, долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, бу муаммони ечишда очиқ кодли дастурий таъминотлардан фойдаланиш орқали дастурий таъминотни сотиб олиш ва уни эксплуатация қилишга кетадиган сарф-ҳаражатлар тежалади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ОТМлар таълим тизимида электрон-кутубхона муҳити тузилмасини яратиш диплом ишининг бош мақсади қилиб олинган.

I. АНАЛИТИК ҚИСМ

1.1 PHP дастурлаш тили ва уни бугунги Интернет сайтларни яратиш жараёнидаги аҳамияти.

1.1.1 PHP ҳақида тушунча

PHP –ўз номини етарлича танитиб улгурган, дастурлаш тили хисобланади. Гап шундаки, бошланишда бу унча қийин булмаган шахсий WEB –саҳифаларини яратиш учун мўлжалланган оддий макрослар тўпламидан иборат бўлган бўлиб, PHP-personal home page (шахсий уй саҳифаси) сўзларининг қисқартмасидан иборат.

Вақт ўтиши билан макрослар тўплами мукамал дастурлаш тилига айланиб замонавий маълумотлар базаси билан маълумот алмашиш имкониятига эга бўлган WEB тармоқ саҳифаларини яратувчи тилга айланди. Тилнинг имкониятлари кенгайгани сари унинг оммавийлиги ҳам ўсиб бормоқда. Netcraft (<http://www.netcraft.com>) компаниясининг маълумотларига кўра 1999 йил ноябрь ойида PHP технологияси Web тармоқларининг бир миллиондан ортиғидан фойдаланилган 2000 йил 1400000 тага етган. Қуйида унинг версияларига тўхталиб ўтамиз.

PHP/FI

PHP бошқа продукт, PHP/FI ривожлантирилиши натижасида яратилди. PHP/FI 1995 йилда Расмус Лердорф томонидан ўзининг online-резюмеси мурожаатни кузатиш учун Perl-скриптлар содда тўплами сифатида яратилди.

У бу скриптлар тўпламини 'Personal Contents Page Tools' деб атади. Катта функционаллик талаб қилингани учун, Расмус маълумотлар базаси билан ишлаш имконига эга бўлган C кенгайтирилган реализациясини яратди ва фойдаланувчиларга содда динамик Веб-иловалар яратиш имконини берди. Расмус ҳар бир фойдаланувчи кенгайтириш ва ўзгартириш имкониятига эга бўлиши учун PHP/FI коддини кенг оммага эълон қилди.

1997 йилда PHP/FI 2.0, C-реализация иккинчи версияси, бутун дунё бўйича бир неча минг мухлисларга эга бўлиб, тахминан 50,000 доменларга ўрнатилган эди. Бу ҳамма Интернет доменларнинг 1% ташкил қилар эди. Кўп одамлар ўзларининг код блокларини бу лойиҳа учун таклиф қилганлари учун, у бир кишининг лойиҳаси бўлмай қолди.

PHP/FI 2.0 расмий равишда фақат 1997 йил ноябрида чиқарилди. Унгача у асосан бета-релизлар шаклида мавжуд эди. Шундан сўнг кўп ўтмасдан биринчи alpha PHP 3.0 пайдо бўлди.

PHP 3

PHP 3.0 бугунги PHP га ўхшаган биринчи версия эди. Уни Анди Гутманс ва Зеев Сураски 1997 йилда тўла қайтадан ёзилган тил сифатида яратдилар, чунки улар PHP/FI 2.0 тилини ўзларининг eCommerсе-иловаларини яратиш учун этарли имкониятга эга эмас деб топдилар. Тилга PHP: Hypertext Preprocessor деб ном берилди.

1998 йил охирига келиб PHP ўнг минглаб фойдаланувчилар ва юз минглаб Веб-сайтлар учун асос бўлиб қолди. Энг машхур бўлган пайтда PHP 3.0 тахминан Интернет Веб-серверларининг 10% га ўрнатилган эди .

PHP 3.0 расмий равишда 1998 июнида 9 ойлик ошкора тестлашдан сўнг чиқарилган эди.

PHP 4

1998 йил қишида PHP 3.0 расмий эълон қилингандан сўнг, Анди Гутманс ва Зеев Сураски катта амалий дастурлар билан ишлашда унумдорлигини ошириш ва PHP кодли базаси модуллигини ошириш мақсадида PHP ядросини қайта ишлашга киришдилар.

Янги машина, Zend Engine (яратувшилар номлари асосида - Зеев ва Анди), бу масалаларни муваффақиятли хал қилди ва 1999 ўртасида пайдо бўлди. Бу машинага асосланган ва кўпчилик янги имкониятларга эга бўлган

PHP 4.0, расмий равишда 2000 йил майида, PHP 3.0 дан икки йил кейин чиқарилди.

Анча ошган унумдорликдан ташқари бу версияда PHP 4.0 қуйидаги имкониятларни киритди: катта сондаги Веб-серверлар, HTTP-сессияларни қўллаш, чиқаришни буферлаш, фойдаланувчи киритиши билан хавфсиз ишлаш усуллари ва тилнинг турли янги конструкциялари.

1.1.2 PHP тили асослари

PHP дастурлари

PHP дастурлари икки усулда бажарилиши мумкин: Веб-сервер томонидан сценарий иловаси ва консол дастури сифатида.

Бизнинг мақсадимиз веб иловаларни дастурлаш бўлгани учун асосан биринчи усулни кўрамиз.

PHP одатда Интернет билан боғлиқ дастурлар яратиш учун ишлатилади. Лекин PHP дан команда сатрлар интерпретатори, асосан *nix тизимларда фойдаланиш мумкин. Охиргиси CORBA ва COM интерфейслар ҳамда PHP-GTK кенгайтмаси ёрдамида мумкин. Бу ҳолда қуйидаги масалаларни эшиш мумкин:

- Интерактив команда қаторлари ёрдамида иловалар яратиш;
 - Кросс-платформали GUI иловаларни PHP-GTK библиотекаси ёрдамида яратиш;
 - Windows ва Linux учун баъзи масалаларни автоматизация қилиш
- Серверга браузернинг мурожат қилишида ёрдамида PHP-сценарийлари бажарилишини кўриб шиқамиз. Аввал браузер .PHP кенгайтмали саҳифани сўрайди, сўнгра веб-сервер дастурни PHP машинадан ўтказди ва натижани HTML-код шаклида қайтаради. Агар стандарт HTML саҳифани олиб, кенгайтмасини .PHP га ўзгартирилса ва PHP машинадан ўтказилса, фойдаланувчига ўзгартирмасдан қайтаради. Буф файлга PHP командани қўшиш учун, PHP командалани махсус теглар ишига олиш керак.

Бу тегларнинг 4 хил шакли мавжуд бўлиб, ихтиёрийсидан фойдаланиш мумкин:

1. **XML qayta ishlash instruktsiyasi:**
2. `<?php`
3. `...`
4. `?>`
5. **SGML qayta ishlash instruktsiyasi:**
6. `<?`
7. `...`
8. `?>`
9. **HTML stsenariylari qayta ishlash instruktsiyasi:**
10. `<script language = "php">`
11. `...`
12. `</script>`
13. **ASP uslubidagi instruktsiya:**
14. `<%`
15. `...`
16. `%>`

Биз HTML ёки SGML услубига риоя қиламиз.

Хусусан бирор блок ишида PHPдан чиқиш мумкин, фақат кейинчалик яна унинг ишига кириб кодни тугатиш шарти билан, қуйидаги конструкция мумкин:

```
<?
  if(5<3){
    echo("<p>Hello, world!<p>");
  ?>
  <p>Hello!</p>
  // бу қатор PHP коди сифатида қаралмайди
  // ва код блоки бажарилаётган бўлса чиқарилади
<?
```

```
    echo("<p>Hello, world!<p>");  
    }  
?>
```

PHP да echo командаси веб – саҳифаларда учрайдиган ҳар қандай маълумотни (матн, HTML ажратувши символи, сон) чиқариш учун қўлланади. Унинг маъноси мисолда кўрсатилган.

Изоҳлар

PHP тилида изоҳларни жойлаш учун бир неча усуллар мавжуд. Энг соддаси иккилик слеш (//) дан фойдаланиш, шундан сўнг PHP сатрлар охиригача ёзилганни ўтказиб юборади. Бундан ташқари C (/*...*/) услубидаги кўп қаторли изоҳлардан фойдаланиш мумкин. Бир қаторли изоҳлар учун (#) символдан фойдаланиш қулай. (UNIX скрипт тилларидаги изоҳ).

<PHP

```
    echo("<p>Hello</p>"); // изоҳ  
    echo("<p>Hello</p>"); # изоҳ  
    /*  
    бу ҳам изоҳ  
    */  
?>
```

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки PHP услуби изоҳлари фақат PHP чегаранишлари орасида таъсир қилади. Агар PHP бу изоҳлар символларини чегаранишлари ташқарисида учраса, уларни бошқа матнга ўхшаб, HTML-саҳифага жойлаштиради.

Ўзгарувчилар ва константалар

PHP да ўзгарувчилар доллар (\$) белгисидан бошланади. Бу символдан ихтиёрий сондаги ҳарф, рақам ва остига чизиш символлари келиши мумкин, лекин биринчи символ албатта ҳарф бўлиши керак. Шуни эсда тутиш керакки, PHPда ўзгарувчиларнинг номлари калит сўзлардан фарқли регистрга боғлиқдир.

PHP да ўзгарувчиларни таърифлаганда ошкора типини кўрсатиш шарт эмас ва дастур давомида битта ўзгарувчи ҳар хил типларга эга бўлиши мумкин.

Ўзгарувчи унга қиймат берилганда инициализация қилинади ва дастур бажарилгунша мавжуд бўлади. Яъни веб-саҳифа холида то сўров тугамагунша.

PHP да маълумотлар типлари. Типларни ўзгартириш

Юқорида айтилганидек PHP тилида битта ўзгарувчини дастур бажарилиш давомида сатр ёки сон сифатида ишлатиш мумкин. Шу билан бирга PHP тилида ўзгарувчилар билан ишланганда ошкор кўрсатилиши мумкин бўлган асосий маълумотлар типлари тўплами мавжуд:

integer; string; boolean; double; array; object;

Арифметик операторлар

1-жадвал. Арифметик операторлар

	Қўшиш
	Айириш
	Кўпайтириш
	Бўлиш
	Модул бўйича қолдиқни ҳисоблаш (масалан: $5 \% 2=1$)

Разрядли операторлар

Бу операторлар гуруҳи бутун қийматли операторларнинг битли тасвирлари билан ишлайди. Асосан бу операторлар мантиқий байроқлар тўпламини яратиш учун ишлатилади. Бизнинг мисолларимизда бу операторларни кам ишлатамиз, лекин қуйида шу операторлардан фойдаланишга мисол келтирамиз.

2-жадвал. Разрядли операторлар

&	Разрядли конъюнкция (AND)
	Разрядли дизъюнкция (OR)
^	Разрядли ажратувши ЁКИ (XOR)
~	Разрядли инкор (NOT)
<<	Чап бутун қийматли операнд битли тасвирини ўнг бутун қийматли операнд қийматиға тенг разрядлар сонига чапга силжитиш
>>	Чап бутун қийматли операнд битли тасвирини ўнг бутун қийматли операнд қийматиға тенг разрядлар сонига ўнгга силжитиш

Мантиқий операторлар

3-жадвал. Мантиқий операторлар

or ёки	ЁКИ
xor	Рад қилувши ЁКИ
and ёки &&	ВА
!	Инкор

Бу гуруҳ операторлари разрядли операторлардан фарқли мантиқий (**Boolean**) ўзгарувчилар билан ишлайди ва бошқарувчи конструкциялар: цикллар ва шартларда ишлатилади. Мантиқий ўзгарувчилар ёки тўғрироғи **Boolean** типдаги ўзгарувчилар фақат икки қийматга эгалар: **true(пост)** ва **false(ёлғон)**. Ифодаларда **true** ва **false** қийматларини 1(0 дан фарқли ихтиёрий сон) ва 0 га алмаштириш мумкин. Мантиқий операторлар **Boolean** типдаги ўзгарувчилар учун оддий ўзгарувчилар учун қўшиш, айириш операторлари ролини ўйнайди. Оператор **if(cond)** аввал **cond** шартни

текширади, агар унинг қиймати **true** бўлса **if** дан кейинги фигурали қавс ишидаги код бажарилади, агар **false** бўлса **else** операторидан кейинги код бажарилади.

PHP тилининг операторлари

Танлаш операторлари / if...else

Танлаш операторларига: шартли оператор (**if...else**) ва вариантли танлаш оператори (**switch**) киради. Шартли оператор синтаксиси:

if(condition) statement 1 else statement 2

Шарт **statement** ихтиёрий ифода бўлиши мумкин. Агар у рост бўлса **statement 1** оператор бажарилади. Акс ҳолда **statement 2** оператори бажарилади. Шартли оператор қисқа шаклида **else** ва **statement 2** оператори ёзилмайди.

Цикл операторлари / While


Оператор **while** олдинги шартли цикл оператори дейилади, циклга киришда олдин шартли ифода ҳисобланади, агар унинг қиймати нолдан фарқли бўлса цикл танаси бажарилади. Шундан сўнг шартли ифодани ҳисоблаш ва цикл танаси операторларини бажариш, шартли ифода қиймати нолга тенг бўлгунча давом этади. **While** операторидан ҳар хил кетма кетликларни кўриш кулай, агар уларда олдиндан маълум сўнгги символ мавжуд бўлса. (Бу айниқса C++ тилида кулай, чунки C++ тилида сатр бу шар типдаги нолинчи символ билан туговчи символлар кетма кетлигидир).

Содда **while** циклига мисол:

```
<?
$var = 5;
$i = 0;
while(++$i <= $var)
{
    echo($i); echo('<br>');
}
```

?>

Бу код браузер ойнасида бирдан бешгача рақамларни акс эттиради:



1
2
3
4
5

1-расм. Натижани браузерда кўриниши.

Циклдан чиқиш учун **break** оператор қўлланади. Бу оператор учраганда цикл итерацияси тўхтатилади. Қуйидаги мисол бажарилганда, ўзгарувчи `$var = 7` бўлишига қарамасдан, браузер ойнасида 1 дан 5 гача рақамлар пайдо бўлади.

<?

```
$var = 7;  
$i = 0;  
while(++$i <= $var)  
{  
    echo($i);  
    echo('<br>');  
    if($i==3)break;  
}
```

?>

Баъзида жорий итерацияни тўхтатиб, дархол кейингисига ўтиш керак бўлади. Бунинг учун **continue** оператори қўлланади:

<?


```
$var = 7;  
$i = 0;  
while(++$i <= $var)
```

```

{
    if($i==5)
    {
        continue;
    }
    echo($i);
    echo('<br>');
}
?>

```

Бу мисолда 5 рақамидан ташқари 1 дан 7 гача ҳамма рақамлар чиқарилади:



1
2
3
4
6
7

2-расм. Натижани браузерда кўриниши.

Агар сиз шартли операторни echo операторидан кейин қўйсангиз, код хато бўлади ва 1 дан 20 гача рақамлар чиқарилади, чунки маълум итерацияда циклдан чиқиш шarti, шу итерация бажарилгандан сўнг текширилади.

Шексиз цикл **while** оператори ёрдамида қуйидагиша ҳосил қилинади:

```

while(1)
{
    ...
}

```


Бу **while(true)** ёзувнинг ўзи.

Цикл операторлари / do...while

Бу оператор кейинги шартли цикл оператори дейилади. Ихтиёрий холда циклга кирилганда цикл танаси бажарилади(Яъни цикл жуда бўлмаса бир марта бажарилади) сўнгра шарт ҳисобланади ва агар у 0 бўлса яна цикл танаси бажарилади. Қуйидаги мисолда нол рўйхатга (**++\$i <= \$var**) шартга боғланмаган холда қўшилади:

```
<?
  $var = 5;
  $i = 0;
  do
  {
    echo($i); echo('<br>');
  }
  while(++$i <= $var)
?>
```

Натижа:



1
2
3
4
5

3-расм. Натижани браузерда кўриниши

Шарти кейин келган цикл агар қайта ишлашни тугатиш белгиси келгандан кейин келганда тўхтатиш зарур бўлса ишлатилади.

Цикл операторлари/ For

Таъкидланганидек итерацион цикл қуйидаги форматга эга:

```
for(expression1;expression2;expression3)
{
```

statements;

}

Бу ерда **expression1** (цикл инициализацияси) – вергул билан ажратилган таърифлар ва ифодалар кетма кетлигидир. Инициализацияга кирган ҳамма ифодалар циклга киришда бир марта ҳисобланади. Одатда шу ерда сановчилар бошланғиш қийматлари ва цикл параметрлари ҳисобланади. Ифода -шарт (**expression2**) маъноси олдинги ёки охириги шартли цикллардаги каби. Агар ифода –шарт бўлмаса унинг қиймати ҳар доим рост ҳисобланади. Ифода **expression3** ҳар бир итерация охирида цикл танаси бажарилгандан сўнг ҳисобланади.

Файллар билан ишлаш

Файлларни ошиш

Файл бирор маълумот сақлаш физик курилмасидаги байтлар кетма кетлигидир. Ҳар бир файл жойлашувини кўрсатувчи абсолют йўлга эга. Йўл ажратувчиси сифатида Windows да тўғри слеш (/) ёки тескари слеш (\) ишлатилиши мумкин. Бошқа операцион тизимларда фақат тўғри слеш ишлатилади.

Файлларни сервер файл тизимида очиш **fopen** функцияси ёрдамида амалга оширилади:

Файл муваффақиятли ошилганда, **fopen** функцияси файл descriptor ини қайтаради, акс холда – **false** қайтаради. **Файл** descriptor и очилган файлга кўрсаткич бўлиб, операцион тизим томонидан шу файл билан амалларни қўллаш учун ишлатилади. Функция томонидан қайтарилган файл descriptor ини кейинчалик шу файл билан ишлайдиган ҳамма функцияларда кўрсатиш лозим.

Қуйида келтирилган код, C:/WWW/HTML/file.txt файлини ўқиш учун ошади:

```
<?
```

```
$file = fopen("c:/www/html/file.txt","r");
```

```
if(!file)
```

```
{
    echo("Fayl ochish xatoligi");
}
?>
```

1.2 PHP технологияларида маълумотлар базасини яратиш.

1.2.1 MySQL хақида тушунча

Маълумотлар Базаси ва WWW

Маълумотлар базаси ўта тез ривожланган ҳамда MySQL ва mSQL ўзини кўрсатган соҳа, Интернет учун дастурлар яратишдир. Интернет учун мураккаб ва ишончли дастурларга эҳтиёж ошган сари маълумотлар базасига эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Сервер маълумотлар базаси Интернетда кўп функцияларни қўллаши мумкин. Ҳар қандай Веб-саҳифа маълумотлар базаси томонидан бошқарилиши мумкин.

Бундан ташқари Интернет каталогни мавжуд буюртмаларни қайта ишлаш электрон тизимлари билан интеграция қилиш имконияти туғилади. Шундай қилиб бундай Веб-сайтни бошқариш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш сотувшига ҳам олувшига ҳам қулайликлар туғдиради.

mysql тарихи

То 1994 йилгача SQL қўлловчи РМББТ сотиб олиш учун анча кўп пул кетказишга тўғри келар эди. Бозорда Oracle, Sybase ва Informix хокимлиқ килар эди. Бу маълумотлар базасини бошқариш тизимлари мураккаб боғланишларга эга бўлган катта хажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган эди. Улар катта қувватга ва имкониятларга эга бўлиб, катта ҳисоблаш ресурсларини талаб қилар эдилар ва нархи қиммат эдилар. У пайтда \$2000 га 200- MHz Pentium ли сервер сотиб олиш мумкин эмас эди. Бундай МББТ учун керакли ресурслар ўнг минглаб доллар турар эди.

Девид Хюз

Давид Хюз (David Hughes) (яна Vamby сифатида маълум) Австралияда Бонд Университетида ёзган диссертация бир қисми мониторинг тизимини яратиш ва тизимлар гуруҳини бир ёки бир неча жойдан бошқаришга бағишланган эди. Лойиҳа Minerva Network Management System деб номланган эди. Минерва асосий элементи тармоқдаги ҳамма компьютерлар ҳақидаги маълумотларни сақловчи маълумотлар базаси эди. Университет талабаси бўлгани ва катта коммерциал маълумотлар базалари ишлайдиган серверларга мурожаат қилиш имконияти йўқ бўлгани учун, Хюз унинг талабларига Postgres – жавоб беради деган қарорга келди.

PostQUEL трансляторидан РМББТ га

Бир неча давр мобайнида бу конфигурация Хюзни қаноатлантирар эди. Минерва учун агар SQLни тушунса қандай МББТ дан фойдаланишнинг фарқи йўқ эди ва у Postgres SQLни тушунади деб ҳисоблар эди, чунки ўртада PostQUELга трансляция қилувиши мSQL жойлашган эди. Бахтга қарши Минерва ўсиши билан унинг иши қийинлашиб борди. Аниқ бўлдики на Postgres на бошқа катта РМББТ Минерва учун керак бўлган шакли ресурслар асосида кам сонли имкониятларни қўллай олмас эди. Масалан, Минерва учун бир вақтнинг ўзида бир неча маълумотлар базасига уланиш талаб қилинар эди. Бунинг учун Postgres бир вақтнинг ўзида маълумотлар базаси сервери бир неча нусхасини ишга туширишни талаб қилар эди. Бундан ташқари бир неча потенциал лойиҳа қатнашшилари унда қатнаша олмас эдилар, чунки Postgres уларнинг тизимларини қўлламас эди, улар бўлса SQLга асосланган қиммат РМББТ сотиб олишга имконлари йўқ эди.

MySql тарихи

Унинг ихтирошиси Майкл Видениус (яна Monty сифатида маълум) швед компанияси TsX ходими маълумотлар базаси билан 1979 йилдан бери ишлайди. Яқин пайтгача Видениус TsX да фақат дастурчи эди.

1994 йилда TsX WWW учун Амалий дастурлар ярата бошлади ва бу лойиҳани қўллашда UNIREG дан фойдаланди. Бахтга қарши, UNIREG катта

харажатлар талаб қилгани учун, ундан Веб-саҳифаларни динамик генерация қилиш учун муваффақиятли фойдаланиб бўлмади.

1995 йил май ойига келиб TsX компания ишки талабларини каноатлантирувчи маълумотлар базаси, - MySQL 1.0 га эга эди. Фирма бизнес-партнери Detron НВ дан Давид Аксмарк (David Axmark) TsX га ўз серверини Интернетда кўрсатишни таклиф қилди. Серверни Интернетда кўрсатишдан мақсад - биринчи бўлиб Аладдин Петер Дейш (Aladdin Peter Deutsch) кўллаган бизнес моделдан фойдаланишдир. Натижада MySQLни мSQL га нисбатан «текинроқ» қилувиши ўта мослашувшан авторлик ҳуқуқлари олинди.

1.2.2 МББТ MySQL да SQL тилининг реализацияси ва PHP бошқарилувчи сўров

MySQL маълумотлар базасида ишлатиладиган маълумотлар типлари

Бутун сонлар

Маълумотлар типини кўрсатиш умумий формаси: *prefiks*INT [UNSIGNED]

Шарт бўлмаган байроқ UNSIGNED ишорасиз сонлар (0 га тенг ёки катта) сонлар сақлаш учун майдон яратишни билдиради.

| | |
|-----------|---|
| TINYINT | Диапазони -128 дан 127 гача сонларни сақлаши мумкин |
| SMALLINT | Диапазони -32 768 дан 32 767 гача сонларни сақлаши мумкин |
| MEDIUMINT | Диапазони -8 388 608 дан 8 388 607 гача сонларни сақлаши мумкин |
| INT | Диапазони -2 147 483 648 дан 2 147 483 647 гача сонларни сақлаши мумкин |
| BIGINT | Диапазони -9 223 372 036 854 775 808 дан 9 223 372 036 854 775 807 гача сонларни сақлаши мумкин |

Каср сонлар

MySQL да бутун сонлар бир неча турга ажратилганидек, каср сонлар ҳам бир неча турга ажратилади. Умумий холда улар қуйидагиша ёзилади:

TunНому[(length, decimals)] [UNSIGNED]

Бу ерда – каср узатилишда жойлашадиган белги жойлари сони (майдон кенглиги).

decimals – ўнли нуқтадан сўнг ҳисобга олинувши рақамлар сони.

| | |
|----------|---|
| UNSIGNED | ишорасиз сонларни беради. |
| FLOAT | Аниқлиги унча катта бўлмаган сUZувши нуқтали сон. |
| DOUBLE | Иккилик аниқликка эга бўлган сUZувши нуқтали сон. |
| REAL | DOUBLE учун синоним. |
| DECIMAL | Сатрлар шаклида сақланувши каср сон. |
| NUMERIS | DECIMAL учун синоним. |

Бу типдаги майдонга бирор қиймат киритилганда ундан охирини кўрсатувчи символлар автоматик равишда қирқиб олинади. Агар BINARY байроғи кўрсатилган бўлса, SELECT сўровда сатр регистрни ҳисобга олган холда солиштирилади.

| | |
|------------|--|
| VARCHAR | 255 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |
| TINYTEXT | 255 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |
| TEXT | 65 535 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |
| MEDIUMTEXT | 16 777 215 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |
| LONGTEXT | 4 294 967 295 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин. |

Сана ва вақт

MySQL сана ва вақтни ҳар хил форматларда сақлаш учун мўлжалланган майдонлар бир неча типларини қўллайди.

DATE ЙЙЙЙ-ОО-КК форматдаги сана

TIME CC:ДД:СС форматдаги вақт
 ЙЙЙЙ-ОО-КК CC:ДД:СС форматдаги сана ва вақт

DATETIME Timestamp форматдаги сана ва вақт. Лекин майдон қийматини олишда у Timestamp форматида эмас,

TIMESTAMP ЙЙЙЙООККССДДСС форматда акс этади, бу эса PHP дан ундан фойдаланиш қиматини анча камайтиради.

Маълумотлар базасини яратиш MySQL (CREATE DATABASE)

Маълумотлар базаси **CREATE DATABASE** командаси ёрдамида яратилади.

Команда синтаксиси :

CREATE DATABASE *database_name*

- *database_name* – Маълумотлар базасига бериладиган ном.

MySQL маълумотлар базасини ўчириш (DROP DATABASE)

Маълумотлар базасини ўчириш учун **DROP DATABASE** командасидан фойдаланилади.

Синтаксис:

DROP DATABASE *database_name*

Бу ерда

- *database_name* – ўчириш керак бўлган маълумотлар базаси номи.

USE

Жадваллар билан ишлаш учун MySQL га қайси база билан ишлаш ҳақида маълумот бериш керак. Бу USE командаси ёрдамида амалга оширилади:

USE db_name;

MySQL маълумотлар базасида жадвал яратиш (CREATE TABLE)

Жадвал яратиш **CREATE TABLE** командаси орқали амалга оширилади.

CREATE TABLE *table_name* (*column_name1 type, column_name2 type,...*)

- *table_name* – Янги жадвал номи;

□ `column_name` – яратилаётган жадвал устунлари (майдонлари), номлари.

□ `type` – устун тип.

SHOW Командалар

Маълумотлар базаси муваффақиятли яратиганини текшириш учун, компютерингизда қандай маълумотлар базаси мавжудлигини кўрсатувчи `SHOW DATABASES`, командасини бажариш мумкин:

```
MySQL> SHOW DATABASES;
```

Ҳамма жадваллар муваффақиятли яратилганига ишонч ҳосил қилиш учун, `SHOW TABLES` командасини бажарамиз.

DESCRIBE

`DESCRIBE` Командаси яратилган жадваллар структурасини кўрсатади ва қуйидаги синтаксисга эга:

```
DESCRIBE table_name
```

Бу ерда `table_name` – структураси сўралаётган жадвал.

DESCRIBE Команда *SQL* стандартига кирмайди ва *MySQL* ички командасидир.

MySQL маълумотлар базасидан жадвални ўчириш (DROP TABLE)

Жадвални ўчириш учун `DROP TABLE` командасидан фойдаланилади

```
DROP TABLE table_name
```

□ `table_name` – ўчирилаётган жадвал номи.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Жадвални қайта номлаш (ALTER TABLE RENAME)

Жадвалга Янги ном бериш қуйидаги конструкция ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

```
ALTER TABLE table_name_old RENAME table_name_new
```

бу ерда

□ `table_name_old`- жадвал эски номи;

□ `table_name_new` – жадвал Янги номи.

Жадваллар хоссаларини ўзгартириш: Устунлар қўшиш (ALTER TABLE ADD)

Янги устун қўшишни қуйидаги конструкция ёрдамида амалга ошириш мумкин:

ALTER TABLE *table_name* **ADD** *field_name* *parametrs*

table_name – янги устун қўшиладиган жадвал номи;

field_name – қўшилаётган устун номи;

parametrs – қўйилаётган устунни тасвирловчи параметрлар.

Маълумотлар типини кўрсатиш мажбурий параметрдир.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Устун хоссаларини ўзгартириш (ALTER TABLE CHANGE)

Бир ёки бир неча устунлар хоссаларини қуйидаги конструкция ёрдамида ўзгартириш мумкин:

ALTER TABLE *table_name* **CHANGE** *field_name_old*
field_name_new *parametrs*

table_name – ўзгартирилаётган устун жойлашган жадвал номи;

field_name_old – ўзгартирилаётган устун номи;

field_name_new – ўзгартирилаётган устун янги номи (агар устун номи ўзгартирилмаса *field_name_old* га тенг);

parametrs – устун янги параметрлари.

Жадвал хоссаларини ўзгартириш: Устунларни ўчириш (ALTER TABLE DROP)

Устунни қуйидаги конструкция ёрдамида ўчириш мумкин:

ALTER TABLE *table_name* **DROP** *field_name*

бу ерда

table_name – устуни ўчирилаётган жадвал номи;

field_name – ўчирилаётган устун номи.

Жадвалга сатрлар қўшиш (INSERT INTO)

Ёзувларни жойлаш учун **INSERT INTO** командасидан фойдаланилади.

INSERT INTO *table_name* (field_name1, field_name2,...) values('content1', 'content2',...)

Бу команда *table_name* жадвалига field_nameN майдонларига contentN қиймат ўрнатилган ёзув қўшади.

Жадвалдан сатрларни ўчириш (DELETE FROM)

Ёзувни ўчириш учун **DELETE FROM** командаси ишлатилади

DELETE FROM *table_name* WHERE (*ифода*)

Бу команда *table_name* жадвалидан *ифода* бажарилган ҳамма ёзувларни ўчиради. *ифода* - бу оддий мантиқий ифода.

II. ЛОЙИҲАЛАШ ҚИСМИ

2.1 CMS тизимлари ва унинг турлари

CMS лардан фойдаланиш керак...ми?

Барчага маълумки, бутунжаҳон тармоғидаги Веб-саҳифалар кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат Ўзбекистонда, яъни UZнетда ҳам жадаллик билан амалга ошмоқда. Кимдир ўз шахсий саҳифасини яраша, компания ва фирмалар корпоратив сайтларини яратмоқда. Яна кимдир ўз кундаликларини, яъни блогларини олиб борадилар.

Шу билан бирга, йирик порталлар фаолияти ҳам ривожланмоқда. Буларнинг ҳаммаси эса бирор дастурий восита ёрдамида яратилади. Кимдир HTML тилида, кимдир PHP да, яна кимлардир CMS деб аталувши тизимлар ёрдамида Веб-сайтларни яратмоқда. Хўш, CMS дегани ўзи нима? Бу тизимни нима эканини тушуниш учун, келинг, аввало, Веб-саҳифалар қандай яратилиши ҳақида билиб оламиз.

1989-йилда Тим Бернерс-Ли томонидан World Wide Web, яъни Бунунжаҳон ўргимчак тўри ихтиро қилинганидан бошлаб унинг ҳар бир фойдаланувчиси оддий бўлса-да, ўз Веб-саҳифасини ярата олиш имкониятига эга бўлди. Лекин, бунинг учун HTML (Hyper Text Markup Language) тилини билиш шарт эди. Турли хил ИТ-компаниялари томонидан бу ишни осонлаштирувчи бир қанча дастурий пакетлар, жумладан Adobe Dreamweaver ва Microsoft FrontPage кабилар яратилди. Бундай дастурлардан баъзилари сайт яратишнинг барча босқичларини (HTML-кодни ёзишдан бу кодни серверга юклашгача) бошқаришни ўз зиммасига олади. Шу билан бирга, кўпгина ҳолларда (айнан оддий саҳифаларни яратишда) фойдаланувчи бу кодни билиши шарт бўлмаган. Сабаби бу дастурларда Веб-саҳифаларни яратишнинг визуал усулларида фойдаланилган.

Бироқ, HTML-редакторларининг барча афзалликларига қарамай, сайтни бошқариш вақт ўтгани сайин ва янги маълумотлар қўшилиши билан қийинлашиб бораверди. Чунки ахборот технологиялари ривожланиши билан

Веб-сайтлар ҳам ривожланиб борди. Сайт харитасини яратишдек оддий функцияни қўшиш учун ҳам Веб-яратувчилар томонидан анча-мунча меҳнат талаб этилар эди. Ахир бунинг учун барча иловаларни кўриб чиқиш, саҳифалар орасидаги боғлиқликларни текшириш, менюни яратиш, форумни қўшиш каби ишларни бажариш лозим эди. Бу эса доимий диққатни ва жуда кўп вақтни талаб этарди.

Сайт янгиланиши муаммосини, яъни янгиланишнинг автоматлаштиришини ҳал қилиш мақсадида йирик ахборот компаниялари, жумладан, Newsweek ва Time янги дастурий таъминот яратиш ишларини бошлашга мажбур бўлади. Бу дастурий таъминотлар контентни (маълумотларни) бошқариш тизимлари (CMS – Content Management System) деб аталди.

Статик ва динамик Веб-саҳифалар


Энди савол туғилиши мумкин: оддий HTML кодида ёзилган саҳифа билан CMS нимаси билан фарқ қилади? Авваломбор, HTML да ёзилган сайт статик ҳолда бўлса, замонавий сайтлар динамик кўринишга эга.

Оддий сайт қандай принцип асосида ишлашини кўриб шиқамиз. Фойдаланувчи бирор-бир, масалан, page.html саҳифасига мурожаат қилди дейлик. Веб-сервер ўзидаги Веб-саҳифалар каталогини кўриб шиқади ва агар page.html бўлса, фойдаланувчига уни кўрсатади, акс ҳолда эса – 404-чи хабарни (“Файл топилмади”) етказди.

Динамик сайт эса бироз бошқача ишлайди. Фойдаланувчи бирор саҳифага мурожаат қилади, бироқ бу мурожаат дискдаги аниқ бир файлга эмас, балки сайт движокига (агар движок PHP тилида ёзилган бўлса, одатда бу файл index.php бўлади) қаратилган бўлади. Движок фойдаланувчига керакли маълумотни бирор манбадан (масалан, маълумотлар базаси ёки дискдаги файлдан) олади, уни HTML-саҳифага айлантиради ва Веб-серверга узатади, у эса ўз навбатида, фойдаланувчи браузерига жўнатади.

Унда яна бир савол туғилади: агар битта файлнигина сўраб, уни браузерга узатиш мумкин бўлса, бунша мураккаблаштиришнинг ўзи нимага

керак? Шунинг учунки, бу сайтни бошқариш қулай бўлсин. Айтайлик, сиз 100 саҳифалик (бу унчалик кўп эмас) оддий сайт яратдингиз. Эртами-кеч сиз бу сайт дизайнини, кўринишини ўзгартирмоқчи бўласиз. У ҳолда эса сиз шу 100 саҳифани қўлда ўзгартириб чиқишингизга тўғри келади. Устига-устак, сиз аввалига бу 100 саҳифани компьютерингиздаги локал серверга юклаб олишингиз, ундан сўнг таҳрирлаб, керакли ўзгартиришларни киритишингиз ва охирида яна серверга юклашингиз керак бўлади.



4-расм. Веб-сервернинг CMS сиз ҳолда қанда ишлаши


Ана энди динамик сайт қандай ишлашини кўриб шиқайлик. Асосий воқеа – “HTML-саҳифани яратиш”. Яъни движок контентни – матнли маълумотни (у расм ва жадваллар билан ҳам бўлиши мумкин) олади ва уни дизайнга “кийинтиради”. Демак, сайтнинг дизайнини ўзгартириш учун сиз фақатгина тайёр график мавзуни ўрнатишингиз ёки бир-иккита файлни – сайт шаблони файлларини ўзгартиришингиз керак.

CMS тизими саҳифаларни динамик кўринишга келтиради: улар фойдаланувчи саҳифани кўрмоқчи бўлгандагина амалда яратилади. Бу дегани, саҳифалар фойдаланувчи томонидан бевосита кўрилаётганда янгиланиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

CMS афзалликлари

Бу тизимларнинг асосий жиҳати шундаки, динамик Веб-саҳифаларни осон ярата олиш ва уларни турли хил ахборот билан тўлдириш имкониятини беришдир. CMS тизимлари одатда мураккаб бўлиб, улар ўз ишига

хабарларни тарқатиш хизматлари (RSS), форумлар ва интернет-дўконларни олади. Шу билан бирга, уларни ўзгартириш ҳам осон.



5-расм. Веб-сервернинг CMS билан қандай ишлаши

CMS нафақат сайтдаги турли маълумотларни бошқаришни автоматлаштиради, балки шу билан бирга, сайт тузилишининг техник томонлари билан таниш бўлмаганлар, яъни ёзувчи ва журналистларга сайтда ўз материалларини бевосита фойдаланувчи интерфейси орқали кўшиш имкониятини беради. Шу нарса тушунарли бўлдики, энди фойдаланувчиларга сайтда ўз материалларини кўриш учун HTML ни ҳам, сайтдаги маълумотлар янгиланишининг технологиясини ҳам билиши шарт эмас.

CMS тизими, шунингдек, Веб-сайт яратишни турли хил мутахассислар орасида тақсимлаб чиқиш имкониятини беради. Шунга кўра, Веб-дизайнер ўз диққатини сайтнинг кўринишига (дизайнни мукамаллаштириш ва шаблонларни ўрнатишга) қаратса, техник йўналишда бўлмаган мутахассислар уни маълумотлар (матн, тасвир ва анимациялар) билан тўлдиришга ҳаракат қилади.

Бу ҳам ҳаммаси эмас. Маълумки, движок – CMS нинг бир қисми холос. У дизайн шаблони асосида сайт маълумотларини чиқариб беради. Бундан ташқари, CMS да сайтдаги маълумотларни бошқариш (улар сайт бўлимларини ва категорияларини яратишга ва маълумотларни улар орасида бўлиб чиқишга имкон беради) ва бу маълумотларни таҳрирлаш воситалари ҳам мавжуд. Шу билан бирга, фойдаланувчи сайт маълумотлари айнан

каерда (маълумотлар базасида, дискда HTML-файл кўринишида ёки умуман ташқи серверда) сақланаётганини билиши шарт эмас.

CMS қўлланилиши билан кўпгина қийинчиликлар бартараф этилиши мумкин. Юқорида мисол сифатида кўрилган сайт харитаси ҳам автоматик равишда тузилади, бунинг учун фойдаланувчидан ҳеш қандай меҳнат талаб этилмайди. Шу билан бирга, CMS сайтдаги қўшимча функцияларни, масалан, суратлар галереяси ёки рўйхатдан ўтиш ойнасини қўллаш имконини беради – шу каби функциялар CMS кенгайтмалари орқали амалга оширилади. Фақатгина у ёки бу кенгайтмани ўрнатиш керак холос.

CMSга ўтишнинг ўзига хос қийинчиликлари.

Хўш, CMS ларнинг шунча афзалликлари бўлганда нима учун барча сайт эгалари Joomla! ёки Drupal каби CMS ларга отишга интилмапти? Бунга бир қанча сабабларни кўрсатиш мумкин.

Биринчи сабаб, инерция бўйича кетиш ёки бошқача айтганда, ўзи билган нарсага ўрганиб қолиш. Инсон HTML ни ишлатишга ўрганиб қолади ва CMS га ўтиш сайтни бошқаришни автоматлаштириш бўйича қанча қулайликлар келтирмасин, бирор нарсани ўзгартиришни хоҳламайди. HTML дан CMS га ўтиш-йиллар ишида амалга ошиши мумкин.

Иккинчи сабаб, мавжуд минглаб HTML-саҳифаларни CMS маълумотлар базасига мослаб ўзгартириш керак бўлади. Аксарият ҳолларда буни қўлда бажариш керак бўлади. Катта сайт учун бу жараён анча кўп вақтни олади, бу эса сайтни вақтинчалик фаолиятининг тўхташига ва балки, компания томонидан кўриладиган молиявий зарарга олиб келади. Албатта, CMS га ўтиш сайтни бошқариш бўйича анча вақт тежалишини ҳисобга олса, келажакда бу ўзини оқлайди.

Энди, CMS га ўтишга ҳалақит берувчи фақатгина битта тўсиқ қолади – техник ҳолат. Деярли барча замонавий CMS ишлаши учун хостингда PHP интерпретатори ва MySQL маълумотлар базаси сервери бўлиши керак. Беш-олти-йил аввал шу каби функцияларни тақдим этувши хостинг-провайдерлар кам эди. Ҳозирга келиб, вазият яхши тарафга ўзгарди ва PHP ҳамда MySQL ни

коллайдиган хостингни Ўзбекистоннинг ўзида топиш қийинчилик туғдирмайди.

Қайси CMS дан фойдаланган маъқул?

Ҳозирги даврга келиб, CMS асосига қурилган бир қанча тизимлар яратилган. Уларга мисол қилиб, Drupal, PHP-Nuke, WebDirector, Joomla!, NetCat, Slaed, Microsoft CMS, Wordpress, PHPShop кабиларни келтириш мумкин. Бу тизимларнинг баъзилари умуман текин бўлса, баъзиларидан эса ҳаққини тўлабгина фойдаланиш мумкин.

CMS ни танлаш бир томондан осон ва жўндек кўринсада, бу жуда жиддий масала. Интернетда уларнинг турли йўналишдаги ўнлаб (агар юзлаб бўлмаса): юз долларлаб турадиганидан то ошиқ кодли бепул туригача, маълум бир соҳагагина тааллуқлисидан ихтиёрий мураккабликдаги сайт қуриш имконини берадиганигача, осон бошқариладиганидан администратор учун катта қийинчиликлар келтирадиганигача турини топишингиз мумкин. Хуллас, агар CMS лар билан ишлаш бўйича ҳеш қандай тажрибангиз бўлмаса, кераклисини танлаш қийинлашиб кетиши тайин.

Дастлаб келинг, пуллик CMS ларни ишлатмасликка ҳаракат қиламиз. Ахир катта пул тўлаб, CMS ни ишлатишдан бесамара фойдаланишга нахожат. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш керак: бу билан ўзимизга қийин қиламиз. Бошқа тарафдан эса, қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик қизиқ бўлиши аниқ, шундай эмасми?

Энди CMS ларга яна бир талаб қўямиз: универсаллик. Бу дегани, биз ишлатмоқчи бўлган CMS ихтиёрий конфигурациядаги компютерларда ҳам ишлай олишидир. Шунингдек, сайтни локал сервердан ҳақиқий серверга кўчирганимизда ёки бевосита сервернинг ўзида яратаётганимизда CMS билан ҳеч қандай қийинчиликлар туғилмаслиги керак. Бу талабга эса, афсуски, кўпчилик бепул CMS лар жавоб бера олмайди.

Барча дастурий таъминотларга қўйиладиган талаблардан яна бири – хавфсизлик (ахир сиз ҳафталаб-ойлаб яратган сайтингизни шунчаки қизиқиш

учун бир кунда бузишларини хоҳламасангиз керак?). Шунинг учун CMS ларнинг хавфсизлик даражалари доимий янгилашиб туриши шарт.

Натижада, талабларимизга деярли тўлиқ жавоб берадиган қуйидаги: PHP Nuke, Drupal, Joomla!, Slaed CMS тизимларигина қолади. Энди ана шу CMS ларни батафсилроқ кўриб чиқамиз ва ўзимизга керакли баъзи хулосалар чиқарамиз.

PHP Nuke. Энг биринчи CMS лардан бири бўлиб, афсуски, анча вақтлардан буён янгиланмай келмоқда. Бироқ, унинг коди кўплаб адашлари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда (масалан, DotNetNuke, PostNuke). Бу бир-бирига ном жиҳатдан яқин бўлган тизимлар фойдаланувчи диққатига навбатма-навбат чиқиб туради. Функционаллик жиҳатидан тизим анча мукамал бўлиб, унинг учун кўплаб қўшимча модуллар яратилган. Масалан, хабарлар лентаси, форум, мақолалар, сўровлар ташкил қилиш, статистика олиб бориш ва бошқалар. Аммо, сайтларнинг тузилиши жиҳатидан бир хиллик кузатилади. Шу билан бирга, бу тизим юкланиши қийин бўлади, яъни қўшимча модуллар саҳифа юкланишини секинлаштиради. Бу эса кўплаб фойдаланувчиларга ёқмаслиги тайин. Юкланиш нафақат саҳифага, шунингдек, серверга ҳам тушади, бу эса хостинг хизматини тақдим этувчиларга ёқмайди. Агар сизни шундай вазият қониқтирса, айнан шу CMS ни танлашингиз мумкин. Мурожаат қилиш учун расмий сайти: www.nukefiles.ru

Drupal. Турли хил ўзгартиришлар орқали ўзимизга мослаб олиш бўйича энг мукамал CMS деб айтиш мумкин. Шу ерда шуни айтиш керакки, “Томчи” (бу тизим номи инглиз тилидан айнан шундай таржима қилинади) аслида, CMS эмас, балки “CMS ни тузувчи тизим”. Унинг ёрдамида сиз тайёр блоклардан керакли CMS ни йиғасиз. Шуни айтиш мумкинки, функционаллик ва дизайн жиҳатидан ўзингизни қаноатлантирувчи CMS ни ҳосил қиласиз. Стандарт модуллар тўпламига блог, форум, хабарлар лентаси, файлларни юклаш, овоз бериш, қидирув кабилар киради. Бунда кўринадиган камчилик битта: PHP ва MySQL ни мукамал билиш лозим. Агар бу

кисқартмаларни тушунмаган бўлсангиз, кейинги CMS га ўтаверинг, акс ҳолда эса бу тизимга жиддийроқ эътибор беринг. Расмий сайти: www.drupal.org. Техник ёрдамни www.drupal.ru сайтидан ҳам олишингиз мумкин.

Slaed CMS. Бугунги кунда анча оммабоп CMS бўлиб, турли хил сайтларда ишлатилади. Икки хил варианты мавжуд: пуллик ва текин (OpenSlaed). Иккови ҳам битта ядрога қурилган (бу дегани хавфсизлик даражаси бир хил) ва фақатгина функционаллигига таъсир қилувчи модуллар сони билан фарқланади. Бепул вариантида бирор мавзудаги нисбатан кичик портални яратишингиз мумкин. Аммо, бундан ортиғини эмас. Дизайни ҳам унчалик катта қийинчиликларсиз ўзгартирилиши мумкин. Тизим аслида Россияда яратилгани учун рус тилидаги ёрдам (slaed.net) ҳақида қайғурмаса ҳам бўлади.

Joomla! Бугунги кунда энг мукамал движоклардан бири (агар бепуллари ичида энг мукаммали бўлмаса) бўлиб, унинг учун шунчалик кўп кўшимча модуллар яратилганки, улар ёрдамида ўзингизнинг сайтингизга деярли ихтиёрий функционаллиқни беришингиз мумкин. Бу дизайнга ҳам тегишли бўлиб, уни ўзгартириш учун ҳам жуда кўп шаблонлар мавжуд. Бироқ, бу ерда бир камчилик ҳам бор: шаблонлар тизими шундай тузилганки, саҳифаларни яратиш ва тўлдириш жараёнида сайт бўлимчалари кичик-кичик қисмлар бўлиб, ажралиб қолиши мумкин. Яъни, бу қисмлар жадваллар асосида яратилган. Бу эса сайтингизга ўз шахсий кўриниш беришингизда бир қатор ноқулайликлар туғдиради: юқорида тилга олинган қисмчалар қутилмаган жойда чиқиб қолиб, жаҳлингизни чиқаради, шунингдек, уларни йўқотиш учун вақтингиз кетади. Умуман олганда, агар сизни тайёр шаблонлар қониқтирса (улар эса жуда кўп ва хилма-хил), у ҳолда бу тизим сизга жуда мос келади. Агар сиз Joomla! ни танлаб ўзига хос оригинал сайт яратмоқчи бўлсангиз озгина терлашингизга тўғри келади. Расмий ёрдам сайти: joomla.org. Шунингдек, русча ёрдамни норасмий бўлсада, анча яхши бўлган joomlaportal.ru ва joom.ru сайтларидан ҳам олишингиз мумкин.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган тавсиялар асосида сиз ўз сайтингизни тез ва осон равишда яратишингиз мумкин. Аммо ҳеч қайси CMS сизга тайёр ҳолдаги сайтни тақдим этмайди. Бунинг учун сиздан ҳаракат ва меҳнат талаб этилади. Яратаётган сайтингиз бошқаларникига ўхшамаслиги, дизайн жиҳатдан такрорланмас ва оригинал бўлиши учун эса шахсий фантазиянгиз ва қобилиятингизни ишга солишингиз керак.

2.2 Drupal нима ва унинг имкониятлари



6-расм. Drupal иконкаси.

Drupal нима? Келинг бу саволга жавоб беришга ҳаракат қилайлик.

[Drupal](#) бу - Сайтни бошқарадиган тизим (Content Management System, CMS). Кўпчилик Сайтни бошқарадиган Framework (Content Management Framework, CMF) деб ҳам аташади. Drupal PHP да ёзилган ва маълумотларни сақлаб туриш учун MySQL, PostgreSQL малумотлар базани ишлатади. Drupal очик кодли ([Open Source](#)) ва [GPL](#) лицензияси билан ҳимояланилади. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак Drupal орқали ҳар хил, катта-кичик сайтлар яратилади.

Drupal LAMP(Linux, Apache, MySQL, PHP) тизимига мўлжалланган, лекин бошқа дастурлар билан ишлатиш ҳам мумкин. Масалан PHP ни ишлата оладиган ҳар қандай Веб-сервер да ва шу Веб-серверни ишлата оладиган Операцион тизим (Windows, Linux, Mac OS...) Drupal ни ишлата олади. Айтайлик Windows, IIS, PHP, PostgreSQL. Ҳарким ўзига қулай тизимни ишлатиши мумкин. Бизда кўпқор лосал ишларда фойдаланиш учун [Denwer](#)ни мақул кўрилади.

Drupal модулли (Module) ва "кўп кўринишли" (Template) тизим. Drupal архитектураси деярли ҳар қанақа сайтларни яратиш имконини беради: блог, форумлардан тортиб, катта информацион порталларгача. Drupal асосида жуда ҳам кўп ва хилма-хил сайтлар яратилган. Drupal тизими ядросида Блог, Форум, Янгиликлар учун керакли модуллар бор. Drupal ни ядросидаги "асосий" модуллари санаб ва "қисқача" таърифлаб ўтамыз.

1. User - сайт фойдаланувчиларини бошқаради
2. Node - сайтдаги малумотларни бошқаради (саҳифа, пост, ...)
3. Таҳаному - сайт малумотларини каталоглаштиради

4. Menu - сайт менюларини бошқаради
5. Poll - сайтда сўровнома яратиш учун ишлатилади
6. Search - Сайтда қидирув имконини яратади
7. Locale, Translation - Сайтни кўп тилли қилиш имконини беради ва ҳаказо...

Drupalни камчиликларига келсак,

- Кўпчилик Drupal [ООП](#) (Object Oriented Programming) ни ишлатмайди дейишади. Drupal дастурчилари бунга жавобан PHP (PHP 5гача) да [ООП](#) яхши эмаслиги учун деб жавоб беришади.

- Drupalни версиялари бир-бирига тўғри келмайди, яни Drupal версиялари APIлари бир-биридан фарқ қилади. Бунга Drupal дастурчилари - "агар биз Drupalни ҳамма версияларини бир-бирига тўғри келадиган қилганимизда, Drupalни кодлари жуда кўпайиб кетар эди ва жуда ҳам секин ишлайдиган бўлар эди. Шу билан бирга бундай юқори даражага эришолмас эдик ва бугунги кунгача етиб келолмас эдик" деган маънода жавоб беришади. Мени фикримча Drupal дастурчилари ҳақ.

Drupalни ўрнатиш.

Олдин айтиб ўтганимиздек Drupal LAMP тизимида ишлайди. Лекин бизда Windows Операцион тизимини кўпроқ ишлатганимиз учун Denwer дастурлар тўпламини мақул кўрамиз.

Denwer нима?. Denwer - PHP, MySQL, Apache, Sendmail дастурларини бир-бирига мослаштирилган дастурлар тўплами. Бу Denwerни асосий стандарт версиясига кирадиган дастурлар. Лекин Denwerни қўшимча дастурларини (PostgreSQL, Firebird, ActivePerl...) алоҳида ўрнатиш мумкин.

Демак Drupalни ўрнатишни бошладик. Бунинг учун дастлаб Denwerни <http://denwer.ru> сайтдан ўзимизга кўчириб оламиз ва ўрнатамиз. Denwerни ўрнатиш осон бўлганлиги учун Denwerни ўрнатиш ҳақида тўхталиб ўтмаймиз.


Denwer ўрнатганимиздан кейин одатда Denwer "Z:" (лекин фойдаланувчи ўзига маъқул кўрган дискни танлаши мумкин, бунинг учун

кайси жойга ўрнатиш сўралганда ўрнатиладиган диск ва унинг каталогини ёзиш кифоя) виртуал диск яратади ва Denwer шу виртуал диск ичида бўлади. Албатта биз яратмоқчи бўлган сайтлар ҳам шу диск ичида бўлади. Denwer "Ишчи стол"га қуйидагича 3та "ярлык" яратади.



7-расм. Denwer ни "Ишчи стол"даги ёрликлари.

Бу эрда "Start Denwer" Denwerни ишга туширади, "Stop Denwer" Denwerни ишлашини тўхтатади ва "Restart Denwer" эса Denwerни қайта ишга туширади. Биз Denwerни ишлатиб олиш учун "Start Denwer" ни ишга тушираемиз. Броузерга <http://localhost> деб ёзсак, бизда мана бундай ойна пайдо бўлиши керак.




8-расм. Localhost саҳифаси.

Мана энди компютеримиз Drupalни ўрнатиш учун тайёр бўлди.

Дастурнинг ўрнатилувчи пакетини Drupalнинг расмий www.drupal.org сайтидан кўчириб олашимиз лозим. Ҳозирда сайтда энг сўнги синалган 6.29 версияси мавжуд шунинг учун, Drupalнинг 6.29 версиясини кўчўриб оламиз

ва ўрнатамиз. Агар сизда Drupal 6.x версияси йўқ бўлса, мана бу [линкдан](#) Drupal 6.x версиясини кўчириб олишингиз мумкин.

Drupal ўрнатилиши учун бизга MySQL база керак бўлади. Бунинг учун Denwerни ичидаги [phpMyAdmin](#)дан фойдалансак бўлади. Броузержга <http://localhost/Tools/phpMyAdmin>ни ёзамиз. Шу эрдан "Базы Данных" ичига кирсак қуйидагича ойна пайдо бўлади.



9-расм. phpMyAdmin ойнаси.


Шу эрдан янги база яратиб оламиз. Мисол учун "Drupal" деган ном билан. Энди "Z:/home" ни ичига "mysite.uz" деб номланган папка яратамиз ва яна бу "Z:/home/mysite.uz" ни ичига "www" деб папка яратамиз. Энди шу яратган "Z:/home/mysite.uz/www" папкамизни ичига Drupal 6 ни , бизни мисолимизда Drupal-6.29.tar.gz файлни архивдан очиб жойлаштирамиз. Агар архивдан очганингизда "www" папласини ичида "Drupal-6.29" деган папка турган бўлса, "Drupal-6.29"ни ичидаги ҳамма папка ва файлларни "www" папкасини ичига олиб ўтинг ва "Drupal-6.29"ни ўчириб юборинг. Энди Denwerни "Restart Denwer" командасини ишга туширамиз, чунки биз яратган "mysite.uz" "виртуал хост"да яратилиши керак. Виртуал Хост ҳақида Denwer ҳақида ёзганимда айтиб ўтаман. Энди "Z:/home/mysite.uz/www/sites/default/"

да жойлашган "default.settings.php" файлдан нусха олиб, уни " settings.php" деб номлаб қоямиз. Мана ва ниҳоят Броузерга <http://mysite.uz> деб ёзгангиз, қуйидагича ойна чиқади:



10-расм. Drupal ни ўрнатиш (тилни танлаш ойнаси).

Drupalни ўрнатишни "Install Drupal in English" линки бўйлаб давом эттирамиз.




11-расм. Drupal ни ўрнатиш (МО ва фойдалнувчиничини киритиш).

Бу ерда биз тепада PHPMyadmin орқали яратган MySQL базамизни номи ва MySQL учун фойдаланувчи малумотларини киритамиз.

- Database name : Drupal
- Database username : root
- Database password :

Denwerда MySQL учун: фойдаланувчи "root" ва парол бўш қолади. Кейинчалик MySQL учун паролни ўзингиз хоҳлаганиздек қилиб ўзгартириб олишингиз мумкин. Ҳозир эса "Database password" дейилган жойни бўш қолдирамиз. "Advanced options"да эса қўшимча тўғрилашлар қилинади. Ҳозир "Advanced options"га ҳам тегмаймиз. Drupalни ўрнатишда давом этамиз. Кейинги қадамда қуйидаги ойна пайдо бўлади.



12-расм. Drupal ни ўрнатиш (сайт созламалари).

Бу ойнада сайтимиз учун керакли бўлган маълумотларни тўлдирамиз.

Яни:

- "Site name" - Сайтимизни номи, масалан: "Менинг биринчи сайтим"

- "Site e-mail address" - Сайтимизни email адреси, сайт орқали фордаланувчиларга email жўнатиладиган бўлса шу email орқали жўнатилади

- "Username" - Сайт Администратори учун ном. Ўзингизни исмингизни қўйишинигиз ҳам мумкин, ёки "админ" десангиз ҳам бўлади

- "E-mail address" - site администратори email адреси.

- "Password" - сайт администратори пароли, бизни сайтимиз фақат ўрганиш учун бўлаётгани учун паролни "123" десангиз ҳам бўлади. Эса коларли :) Интернетга қўйилганда Албатта мураккаб парол қўйиш керак


- "Confirm password" - паролни тасдиғи

- "Default time zone" - Сайтни вақт зонаси, Ўзбекистон учун +0500

- "Clean URL's" - URL чиройли ҳолда кориниши, агар "Disabled" танласангиз URL лар "?q=" қўшилган ҳолса кўринади, бу эса сал хуникрок кўринади

- "Update notifications" - бу Drupalни модули ҳисобланади. Drupalни ва модулларини интернет орқали янги версияларини текшириб туради. Агар янги версиялари пайдо бўлса, Администраторга экранда хабар пайдо бўлади. Агар кимда интернет секин ишласа, ёки ўртада прохй бор бўлса, Антивирус ва шунга ўхшаган тўсиқлар бўлса, буни ўчириб қўйгани яхши. Чунки интернетга уланиб янги версияларини қидиришга уринётганда, ҳар хил ҳатолар бўлиши мумкин. Сайтни Интернетга қўйганингиздан кейин бу модулени ёқиб қўйса ҳам бўлади.

Ҳамма керакли майдонларни тўлдирганимиздан кейин, давом этиш тугмасини бўсак, қуйидаги ойна пайдо бўлади:




13-расм. Ўрнатилган Drupal сайти.

Drupal тизими Drupalни ўрнатганимиз билан бизни табрикляяпти. [your new site](#) линкини боссангиз янги ўрнатилган Drupal сайтини кўрасиз. Агар қайсидир сабабларга кўра Администратор паролингизни эсдан чиқарган бўлсангиз Drupal сизни emailингизга хабар жўнатган бўлади. Denwer эса бу emailни аслида жўнатмайди, "Z:/tmp!/sendmail/" жойга файл кўринишида сақлайди. Шу жойда пайдо бўлган файлни ичидаги линк орқали фақат 1 марта Администраторни паролини тиклаб олишингиз мумкин бўлади. Мана Drupalни ўрнатишни ҳам ўрганиб олдик, агар кимдасидир Drupalни ўрнатишда хато чиқса, юқорида кўрсатилган амалларни бажарилиш тартибига эътибор бериши лозим.

Юқорида Drupalни қандай қилиб лосал компютерга ўрнатиш ҳақида айтиб ўтдик. Энди Drupal тизими билан танишамиз.

Юқоридаги ҳамма амалларни бажариб бўлингандан кейин, Броузерда <http://mysite.uz>ни ёсак, бизда мана бундай саҳифа пайдо бўлиши керак:




14-расм. Бош саҳифа ойнаси.

Чап томондаги кўриниб турган линкларни тушунтириб ўтамыз.

- **My account** - Жорий фойдаланувчи ҳақидаги маълумотлар ва уларни ўзгартириш шу ердан амалга оширилади
 - **Create content** - Айнан шу ердан керакли "Content"лар яни Маълумотлар(саҳифа, янгиликлар,...) яратилади.
 - **Administer** - Бу эрда Сайтни бошқариш амаллари бажарилади. Бу ҳақида куюрокда тўлиқроқ тўхталиб ўтаман.
 - **Logout** - Жорий фойдаланувчини сайт тизимидан чиқариш
- Administer қисмини бошлашдан олдин, "Create content" қисмидан қандай қилиб саҳифа яратишни кўриб олайлик.

"Create content" қисмига кирадиган бўлсак, у ерда иккита линк кўрамыз, "Page" ва "Story", яни "саҳифа" ва "мақола". Булар Маълумот турлари (Content types) ҳисобланади. Бу иккита маълумот тури Drupalни ўрнатган вақтимизда кўшиб ўрнатилади. Drupalда "Маълумотлар (Content)" -

Маълумот турларига (Content types) бўлинади. Керакли жойда бошқа кўшимча маълумот турлари қўшиш мумкин. Масалан: янгиликлар, ишчилар, маҳсулотлар ва ҳаказо. Ҳозирда бизда иккита маълумот тури бор (Page ва Story). Шу ердан биз янги Саҳифа (Page) яратиш кўрамиз. Page линкини боссангиз мана бундай саҳифа очилди



15-расм. Маълумот яратиш ойнаси.

Бу ерда

- Title - Саҳифани номи
- Menu settings - шу маълумот менюда кўринишини тўғрилаш. Агар шу киритаётган маълумотингиз алоҳида менюда кўринишини хоҳласангиз шу жойда ўзгартириш қилишингиз мумкин
 - Body - Саҳифанинг танаси, яни шу саҳифани ичига кирадиган маълумотлар
 - Input format - "Body"даги маттни филтер қилиш имконини беради.

- Filtered HTML - киритилган маълумотни фойдаланувчи браузерига жўнатётганда, HTML тагларини кераксиз ва "зарар"ли қисмларини тозалаб ташлайди

- Full HTML - киритилган HTML тагларини қандай бўлса, браузерга шундайлигича жўнатади

- Revision information - Шу саҳифани версияларини яратади. Тарихини яратади деса ҳам бўлади. Масалан шу саҳифани ўзгартирсангиз бундан олдинги ҳолати ўчирилиб кетмайди, маълумотлар базасида сақланиб туради.

- Comment settings - Айнан шу саҳифа учун изоҳ қолдиришни бошқариш

- Authoring information - шу саҳифа ким томонидан қўшилганини кўрсатиш мумкин, агар кўрсатилмаса Жорий фойдаланувчи номидан киритилган деб ҳисобланилади

- Publishing options - Киритилаётган маълумот сайтда кўриниш-кўринмаслигини бошқариш.

Шу форма орқали янги Page қўшамиз. Биз мисол учун саҳифани номини "Бош саҳифа" деб номлаймлик ва Body ни оддий матн билан тўлдирайлик. Сиз ҳам ўзингизда ҳоҳлаган матн киритиб кўришингиз мумкин. Келинг шу саҳифамиз алоҳида Menuда кўринадиган қилайлик. "Menu Settings"ни ичидаги "Menu link title"га "Бош саҳифа" деб ёзамиз. "Parent item"га эса ""ни танлаймиз. Ва сақлаймиз, "Save" ни босамиз.



16-расм. Яратилган менюни кўриниши.

Эътибор берган бўлсангиз тепада янги Menu пайдо бўлди.

Мана энди Administer қисмига ўцак ҳам бўлади. Сайтни бошқариш амаллари ҳаммаси Administer қисмида жойлашган.




17-расм. Administer - бошқарув ойнаси.

Administer қисмини қисқача тарифлаб ўтсак.

- Content management - Маълумотлар турлари ва маълумотларни бошқаришни ўз ичига олади.
- Site building - Бу бўлимда сайтни кўринишини ва модулларни бошқариш амалларини қилиш мумкин.
- User management - Фойдаланувчилар билан ишлаш.
- Site configuration - Бу эрда сайтни тўғрилашлар ёки ҳар хил модулларни тўғирлашлар амаллари бажарилари.
- Reports - Сайт бўйича ҳисоботларни тўғирлашлар ва ҳисоботларни кўриш шу бўлимда жойлашган.

Administer қисмига "қисқача" тариф бериб ўтилди. Яна Drupal ҳақида кичик бўлган тўғрилашни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир <http://mysite.uz> га кирадиган бўлсак, Drupal ни стандарт матн кўриниб турибди. Шу матн ўрнига "Бош саҳифа" чиқадиган қилиб қўйсак, қуриб келаётган сайтимиз чиройлироқ кўринишга эга бўлади. Буни "Administer" қисмидаги "Site configuration" бўлиmidан "Site information" менюсини танлаймиз.




18-расм. Сайт ҳақида маълумотларни таҳрирлаш ойнаси.

Бу ерда "Default front page" даги "node" деган ёзувни "node/1" га ўзгартирамиз. Кимдадир "Бош Саҳифани"ни линки бошқа бўлса, яни "Бош саҳифадан" олдин бошқа малумот киритган бўлса ўзидаги "Бош саҳифа"ни линкини киритиши керак. Энди <http://mysite.uz> га кириб текшириб кўришингиз мумкин.

2.3 Macromedia Dreamweaver дастурий тизими имкониятларини фойдаланиш


Macromedia Dreamweaver дастури Macromedia дастурлари пакети таркибига кириб кенг кўламдаги Веб саҳифалар, электрон дасликлар, виртуал лабораториялар, электрон кутубхоналар ва HTML файллар яратиш учун мўлжалланган дастур ҳисобланади. Macromedia Dreamweaver дастурини ишга тушириш учун қуйидаги тартибдаги ишларни амалга оширишимиз керак бўлади. Сичқонча кўрсаткичини Пуск менюсига олиб бориб унинг чап тугмачасини бир маротаба чертамыз. Ҳосил бўлган менюдан “Все программы” бўлимига ўтамыз, у ердан эса “Macromedia” бўлимини танлаймыз. Ҳосил бўлган янги менюдан эса  Macromedia Dreamweaver 8 буйруғини устида яна сичқончани чап тугмачасини чертамыз (қуйидаги расмга қаранг).



19– расм. Dreamweaver дастурини ишга тушуриш.

Натижада Macromedia Dreamweaver дастури юкланади. Macromedia Dreamweaver дастури тўла юкланиб бўлингач у ерда таклиф ойнаси пайдо бўлади. Бу таклиф ойнасининг асосий мақсади бизга агар ўзимиз хоҳласак

Янги HTML документ ёки PHP документ ёки мавжуд файлдан очиб олишимиз мумкин бўлади. Ушбу ойнанинг кўриниши 20- расмда келтирилган.




20- расм. Dreamweaver дастури интерфейси.

Биз ўзимиз учун керакли бўлган хужжатни очиб олганимиздан сўнг (юқорида келтириб ўтилганидек, агар хоҳласак янги, хоҳласак мавжуд файлни) Macromedia Dreamweaver дастурининг ишчи ойнасининг кўриниши кўйилаги кўринишга келади (20-расм). Dreamweaver дастурининг интерфейси кўйидаги қисмлардан ташкил топган.

Барча дастурларда бўлгани каби бу дастурнинг энг юқори катори сарлавҳа сатри ҳисобланади. яъни ушбу каторда файл номи ва қайси дастурга тегишли эканлиги, ҳамда учта стандарт тугмачалар жойлашган. Бу кўйидаги тугмачалардир.

-  - Свернуть – очиқ ойнани масалалар панели қаторига тушуриб кўйиш.
-  - Развернуть – ойна ўлчамларни ўзгартириш.
-  - Закрьить – дастурдан чиқиш.

Сарлавҳа сатрининг пастки қисмида Macromedia Dreamweaver дастурининг менюлар қатори жойлашган.




21 – расм. Dreamweaver яратилган саҳифа ойнаси.

Менюлар қаторининг пастки қисмида Macromedia Dreamweaver дастурининг асосий объектлари жойлашган бўлиб, бу объектлар ёрдамида биз бажармоқчи бўлган ишларимизнинг деярли 70-80% қисмини бажаришимиз мумкин бўлади.




22 – расм. Объектлар панели.

Биз шу ерда туриб яфайл ҳосил қилмоқчи бўлсак ҳам албатта мана объектларга мурожот қилишимизга тўғри келади. Бунинг учун объектлар қаторининг Layout – жойлаштириш бўлимига кириб қуйидаги расмда кўрсатилганидек ўзимиз учун керакли фреймларни белгилашимиз керак бўлади.



23– расм. Фреймларни белгилаш.

Биз ушбу мисолимизда чап фрейм, юқори фреймли бўлимини танладик. Бунинг сабаби шундан иборатки, бизнинг яратмоқчи бўлган ушбу Веб саҳифамиз ҳудуди шу кўринишда бўлишидадир. Шу ўринда шуни эслатма сифатида қайд этиб ўтиш керакки марказий яъни `MainFrame` ўзидан автоматик равишда чап ва юқори фреймлар кесишмасидан ҳосил бўлади. Ҳар қандай дастурда ҳим иш қилишдан олдин яратмоқчи бўлган файлимизни сақлаб олишимиз керак бўлади. Бунинг учун файл мекнүсига кириб `Save as...` - барчасини сақлаш буйруғини танлашимиз керак бўлади. Ушбу ҳолатда яна бир эслатиб ўтиш зарур бўлган яна бир нарса ҳам борки, у ҳа бўлса яратилаётган фреймларни умумий сақлаб қўйишдир. Кўпинча ушбу файлга `index.html` деб ном берилади. **Index.html** бу ўз ичида қолган барча фреймларни бирлаштириб турувчи асосий файл ҳисобланади.



24 – расм. Яратилган саҳифани фреймларга бўлинишлиги.

Демак биз ўзимиз учун керакли ўлчам ва миқдордаги фреймларни яратиб олганимиздан сўнг унга маълумотлар киришни бошлашимиз мумкин бўлади.

Энди эса юқорида айтиб ўтганимиз Macromedia Dreamweaver дастурининг объектлари ҳақида батафсилроқ танишиб чиқайлик. Бунинг сабаби юқорида айтиб ўтганимиздек биз яратмоқчи бўлган веб саҳифамизни деярли шу объектлар ёрдамида тайёрлашимиз мумкинлигидир.

Common – умумий бўлими



25 – расм. Common бўлими.

Layout – жойлаштириш бўлими

Layout – жойлаштириш бўлимининг умумий кўриниши қуйидагича.



26-расм. Layout бўлими.

Ушбу бўлимдан биз юқорида кўрсатиб ўтилганидек янги фреймлар ва жадваллар очишимиз қолаверса ишчи майдон кўринишини соzлашимиз мумкин бўлади.


Ишчи майдонни кўринишини соzлаш.

Macromedia Dreamweaver дастурини ишчи майдонини соzлаш, яъни уни кўринишини ўзимизга қулай бўлган ҳолатда соzлаб олишимиз мумкин. Бунинг учун биз қуйидаги ишларни амалга оширишимиз керак бўлади. Macromedia Dreamweaver дастурининг асосий объектлар қаторининг пастки

қисмида жойлашган  бўлиmlари ёрдамида амалга

ошириш мумкин. Агар биз фақат кодлар ёрдамида ишламоқчи бўлсак **“Code”**

 бўлимини танлашимиз керак бўлади. Агар ушбу бўлимни танласак ишчи майдон кўриниши қуйидаги кўринишга келади.



```
1 <!DOCTYPE HTML PUBLIC "-//W3C//DTD HTML 4.01 Transitional//EN"
2 "http://www.w3.org/TR/html4/loose.dtd">
3 <html>
4 <head>
5 <title>Untitled Document</title>
6 <meta http-equiv="Content-Type" content="text/html; charset=windows-1251">
7 </head>
8
9 <body>
10 </body>
11 </html>
12
```

27- расм. Код ёзиш.

Агар ҳам кодлар билан ҳам дизайн кўринишида ишламоқчи бўлсак биз **“Split”**  бўлимини танлашимиз керак бўлади. Биз **“Splitr”** бўлимини танласак ишчи майдон кўриниши қуйидаги кўринишни олади.

Агар биз фақат дизайн кўринишида ишламоқчи бўлсак у ҳолда **“design”**  бўлимини танлашимиз керак бўлади. **“Design”** бўлими ойнасини танласак ишчи майдон кўриниши қуйидаги кўринишда бўлади.

Macromedia Dreamweaver дастурини ишчи ойнасини фойдаланувчи ўзига қулай кўринишда созлаб олиши мумкин.

Янги Frame (фрейм) лар ҳосил қилиш.

Янги Frame (фрейм) лар ҳосил қилиш учун юқорида келтириб ўтилганидек Layout – жойлаштириш бўлиmidан  тугмачасини чертишимиз керак бўлади. У қуйидагича кўринишга эга




28-расм. Forms бўлими.

Macromedia Dreamweaver дастурининг хусусиятлар (Пропертиес) ойнаси.

Macromedia Dreamweaver дастурининг яна бир асосий имкониятларидан бу ишчи майдоннинг пастки қисмида жойлашган хусусиятлар ойнасининг мавжудлигидадир.

Хусусиятлар ойнасининг асосий хусусияти шундаки, қайси объект актив ҳолатда турган бўлса айнан ана шу объект хусусиятларини кўрсатиб туради. (Юқоридаги расмга қаранг)


Энди эса хусусиятлар ойнаси ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки биз дизайн кўринишида ишлаганимизда кўпроқ мана шу хусусиятлар ойнаси билан ишлашимизга тўғри келади. Хусусиятлар ойнасининг умумий кўриниши қуйидагича.



29-расм. Хусусиятлар ойнаси

Бизнинг ҳолатимизда расм актив ҳолатда бўлгани туфайли хусусиятлар ойнасида ана шу расмнинг хусусиятларини ўзида акс эттириб турибди. Масалан ушбу расмнинг ҳажми, ўлчамлари (эни ва бўйи), номи гиперссылка ва шунга ўхшаш бошқа хусусиятларини ўзида акс эттириб турибди.

Page properties – варақ хусусиятлари



30-расм. Саҳифа хусусиятлари.

Юқоридаги ойнадан эса биз энди актив варақ хусусиятларини созлашимиз мумкин бўлади. Масалан: шриффт тури, ўлчами ва ранги, орқа фон ранги орқа фонга расм жойлаштириш, силкалар ўрнатиш ва ҳақоза шунга ўхшаш хусусиятларини кўриб чиқишимиз мумкин.


2.4 Компютер графикаси. Adobe Photoshop дастури

имкониятларидан фойдаланиш.

Компютер графикаси 2 хил бўлади: **векторли ва растрли (нуктали)**. Векторли графика мухаррирларига мисол қилиб **Adobe Illustrator, Corel Draw ва Adobe Flash** дастурларни айтиш мумкин. Ушбу дастурларда расмлар хар хил чизиклар ва кийшик векторлардан иборат бўлади.

Векторли графикада яратилган расмлар логотип, иллюстрациялар ва заставкалар яратишда фойдаланилади. Растрли графика мухаррирларига мисол қилиб **Adobe Photoshop ва Paint** дастурларни айтиш мумкин. Ушбу дастурларда расмлар майда квадрат - пикселлардан иборат бўлиб мозаика холатида расмни хосил қилади. Растрли графикадан ракамли фотосуратлар ва сканердан олинган расмлар билан ишлаш учун фойдаланилади. Компютер графикада дюмдаги пикселлар сони (**ppi**) асосий шарт бўлади. Канча купрок пикселлар сони булса шунча тасвир сифатлироқ бўлади. Масалан агар $ppi=72$ булса у холда 1 квадрат дюмга 5184 пиксел жойлашади ва унинг хажми 6 Кб бўлади, агар эса $ppi=144$ булса у холда 1 квадрат дюмга 20736 пиксел жойлашади ва энди унинг хажми 21 Кб га тенг бўлади. Шу билан бирга мониторинг кўрсатиш ва принтернинг чиқариш сифати - дюмга пикселлар сони (**dpi**) (72 ёки 96 dpi) ва дюмга чизиклар сони (**ipi**) (300-2400 dpi лазерли, сепувчи принтерлар учун ва 75-200 lpi матрицали принтерлар учун), ҳамда компютер ранглар сифати (2, 16, 256, 32 000, 16 000 000 ранглар сони) ҳам катта ахамиятга эга бўлади. Ранг холатлари - рангларни чиқариш ва кўрсатиш йўли. Ранг холатлари 2 хил бўлади: **RGB (кизил, зангор, кук)** мониторларда тасвир кўрсатишда фойдаланилади, **SMYK (хаворанг, пурпур, сарик, кора)** босмада фойдаланилади. RGB холатидаги ранглар сони SMYK холатга қараганда кўпрок.

Adobe Photoshop дастурни ишга тушириш учун Windows нинг  асосий меню тугмасини босамиз, унинг ичидан Программи булимини танлаймиз ва Adobe номли гурухдан Adobe Photoshop номли буйрукни танлаймиз. Натижада қуйидаги ойна хосил қилинади:




31-расм. Adobe Photoshop интерфейси.

Ушбу ойнанинг юкорисида меню сатри жойлашган. У куйидаги қисмлардан иборат: **Файл (File)**, **Правка (Edit)**, **Рисунок (Image)**, **Слой (Layer)**, **Выделение (Select)**, **Фильтр (Filter)**, **Вид (View)**, **Окно (Window)** ва **Помощь (Help)**.



32-расм. Adobe Photoshop меню қатори.


Унинг тагида иш қуролларнинг хусусиятлари соҳаси (**Панель Свойств - Options bar**) жойлашган. Агар ушбу соҳа экранда юк бўлса уни **Окно (Window)** менюсидаги **Свойства (Options)** буйруғи ёрдамида экранга чиқаришимиз мумкин.



33-расм. Adobe Photoshop хусусиятлар ойнаси.


Хусусиятлар соҳаси пастида иш соҳаси жойлашган бўлиб, унинг чап томонида иш қуроллар соҳасини (**панель инструментов - Toolbox**) қуришимиз мумкин. Иш соҳасининг унг томонида ҳар хил ёрдамчи соҳалар жойланиши мумкин: **Слой - Layers**, **История - History**, **Каналы - Channel**, **Цвета - Color**, **Стили - Style**, **Свойства кисти - Brushes**, **Свойства шрифта - Character** ва ҳоказо. Ушбу соҳаларни ҳам **Окно (Window)** менюсидаги

буйруклари ёрдамида экранга чиқаришимиз ва экрандан олиб ташлашимиз мумкин.



34-расм. Ускуналар панели.

Ёрдамчи соҳаларни кичкинаштиришимиз ҳам мумкин. Бунинг учун соҳанинг юқорисидаги кичкиналаштириш (свернуть) тугмасидан фойдаланамиз. Ёрдамчи соҳаларда бизга энг керакли бу иш куруллар соҳаси (**панель инструментов -Toolbox**) ва катламлар соҳаси (**Слой - Layers**). Янги **Photoshop** файлини яратиш ёки эски файлини қайта очиш учун меню **Файлдаги Создать** ва **Открыть** буйруғларидан фойдаланамиз. Файл яратганимизда экранда куйидаги ойна хосил қилинади



35-расм. Янги файл яратиш.

Бу ойнада унинг номини **Name**, турини **Preset**, энини **Width**, буйини **Height**, сифатини **Resolution**, ранглар холатини, орқа рангини танлашимиз керак бўлади. Хаммасини танлагач **ОК** тугмасини босамиз ва натижада экранда янги бўш иш соҳа хосил қилинади.

III. ТАДБИҚ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЛОЙИҲА САМАДОРЛИГИ

3.1 Яратилган электрон кутубхона тизимининг бошқарув қисми ва сайтга маълумот киритиш тартиби

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали электрон-кутубхона сайтига браузерда <http://library.tatuff.uz> териб кирилади. Сайтда фойдаланувчиларга қуйидаги маълумотлар мавжуд. Сайтнинг юқори қисмида филиал асосий биносининг олди томони акс этган баннер жойлашган (36-расм).



36-расм. Сайт баннери.

Баннернинг остида горизонтал меню жойлашган бўлиб, янгиликлар, манзил, боғланиш ва сайт харитаси бўлимларидан иборат.

Гозиталдан меню остида асосий маълумотлар ойнаси ҳамда бир нечта вертикал блоклардан жойлашган. Сайтга маълумот киритиш учун бошқарув қисмига кириш лозим бўлади. Бошқарув қисмига кириш учун “Tizimga kirish” блокида администратор логин ва паролни киритиб “Tizimga kirish” тугмасини босилади (37-расм).



37-расм. Тизимга кириш блоки.


Ва бошқарувчи менюси (38-расм) очилади. Бу меню содда ва тушунарли тарзда яратилган бўлиб, “Men haqimda ma`lumot” (фойдаланувчи маълумотларини таҳрирлаш бўлими), “Material yaratish” (сайтга маълумотлар киритиш бўлими) ва чиқиш бўлимларидан иборат.



38-расм. Бошқарувчи менюси.

Материал яратиш бўлимида қуйидаги маълумот турларини яратиш мумкин:

1. адабиёт – бу турдаги материаллар сайтнинг асосисини ташкил қилиб, киритиладиган адабиётлар айнан шу туркумга мансуб бўлади;
2. маълумот – бу турдаги маълумотлар одатда кам ҳолатларда ўзгарадиган, одатда бирор меню таркибида жойлаштириладиган бўлиб бош саҳида чоп этилмайди. Масалан, “Kutubxona haqida” каби.
3. сўров - турли сўровномалар яратш учун учун. Масалан, сайтга баҳо беринг кўринишидаги сўровномалар.
4. янгиликлар – бу турдаги маълумотлар кутубхона ҳаётидан ёки кутубхоначиликка оид янгиликлар яратиш учун.



39-расм. Материал яратиш ойнаси.

Адабиёт яратишда бир нечта банд тўлдирилиши лозим. Қуйида ўша бандлар билан танишиб чиқамиз:

1. Материал номи – бу майдонга яратилаётган материал номи яратилади.

Adabiyotlar yaratish

Material nomi: *

40-расм. Материал номи майдони.

2. Адабиёт тури – яъни киритилаётган маълумот рўйхатда келтирилгандан қайси бирига тегишли. Бундан керакли тур танланади.

Adabiyot turi: *

| | |
|-------------------------------|---|
| Badiiy asarlar | ▲ |
| Bitiruv malakaviy ishlari | |
| Broshyuralar | |
| Darsliklar | ☰ |
| Dissertatsiyalar | |
| Hukumat hujjatlari | |
| Laboratoriya va amaliy ishlar | |
| Ma`ruza matnlari | |
| O'quv uslubiy qo'llanmalar | ▼ |

41-расм. Адабиёт тури майдони.

3. Тил – маълумот сайтнинг қайси тилдаги версиясида кўринади.

Til:
O'zbekcha ▼

► Menu sozlashlari

42-расм. Тилни танлаш майдони.

4. Нашр йили – адабиёт қачон чоп этилан.

Nashr yili: *


43-расм. Нашр йили майдони.

5. Муаллифлар – адабиёт кимлар томонидан чоп этилган ва нашриёт номи.

Mualliflar: *


44-расм. Муаллифлар майдони.

6. Тўла изоҳ – бу майдонда киритилаётган адабиёт бўйича изоҳ маълумотлар тўлдирилади.



45-расм. Матн таҳрирлагич ойнаси.

7. Файл юклаш – бу бандда сайтга жойлаштирилиши лозим бўлган файл “Обзор” ни чертиб танлаб олинади ва “Yuklab olish” тугмасини босиш орқали сайтга юкланади.



46-расм. Файл юклаш ойнаси.

8. Юқоридаги барча амалларни бажариб бўлгандан сўнг “Saqlash” тугмаси босиш орқали сайтда чоп этилади.




47-расм. Сақлаш тугмаси.

Чоп этилган маълумотлар “Yangiliklar” бўлимида жойлаштирилиб боради. “Маълумот” ва “Янгиликлар” материаллар турларида ҳам муълумотлар худди шу тарзида чоп этилиб борилади. “Адабиёт” туридан фарқли жихатлари уларда “Adabiyot turi”, “Nashr yili”, “Mualliflar” ва “Fayl yuklash” бандлари мавжуд эмас.

3.2 Тизимнинг фойдаланувчи интерфейси билан танишиш

Яратилган сайтнинг фойдаланувчига умумий кўриниши қуйидагича:



The screenshot displays a website interface with a header image of a large, modern building. Below the image is a navigation bar with links: Yangiliklar, Manzil, Bog'lanish, and Sayt xaritasi. The main content area lists several documents, each with a title, author, and upload date. The sidebar on the right contains several sections: Tillar (English, Russian, Uzbek), Izlash (Search), O'quvchilar uchun (For students), Axborot resurslari (Information resources), Hozir saytda (Currently on site), Tizimga kirish (Login), and Yangi parol so'lash (Reset password).

Yangiliklar | Manzil | Bog'lanish | Sayt xaritasi

Multimediya texnologiya va tizimlari taqdimoti
administrator tomonidan Du, 06/16/2014 - 16:50 da nashr etilgan
Nashr yili: 2010
Mualliflar: Sottiboyev, N
Fayl yuklash:
0.ppt
Taqdimotlar

Multimediya texnologiya va tizimlari laboratoriya ishi
administrator tomonidan Du, 06/16/2014 - 16:48 da nashr etilgan
Nashr yili: 2011
Mualliflar: Sottiboyev, N
Fayl yuklash:
ИШИ МТбаТ.doc
Laboratoriya va amaliy ishlar

Multimediya texnologiya va tizimlari
administrator tomonidan Du, 06/16/2014 - 16:45 da nashr etilgan
Nashr yili: 2010
Mualliflar: Sottiboyev, N
Fayl yuklash:
tizimlari va texnologiyalari - Ишчи дастур ИАТ.doc
O'quv uslubiy qo'llanmalar

Multimediya texnologiya va tizimlari
administrator tomonidan Du, 06/16/2014 - 16:41 da nashr etilgan
Nashr yili: 2011
Mualliflar: Sottiboyev, N
Fayl yuklash:
ma'ruza.doc
Ma'ruza matnlari

Axborot tizimini loyihalash
administrator tomonidan Du, 06/16/2014 - 16:35 da nashr etilgan
Nashr yili: 2013
Mualliflar: Umarov Sh.
Fayl yuklash:
ИШ МАВЗУЛАРИ.doc
O'quv uslubiy qo'llanmalar

Axborot tizimini loyihalash
administrator tomonidan Du, 06/16/2014 - 16:30 da nashr etilgan
Nashr yili: 2011
Mualliflar: Toxirov, R
Fayl yuklash:
Maruza AT/1-2010.doc
Ma'ruza matnlari

Web dasturlash. Laboratoriya ishi
administrator tomonidan Du, 06/16/2014 - 16:12 da nashr etilgan
Nashr yili: 2013
Mualliflar: Musayev, X
Fayl yuklash:
Laboratorija_ishi_N4.doc
Laboratoriya va amaliy ishlar

Tillar

- English
- Русский
- O'zbekcha

Izlash

Saytdan izlash:

Izlash

O'quvchilar uchun

- Kutubxona haqida
- Kutubxonalik va a'zolik

Axborot resurslari

- O'quv uslubiy qo'llanmalar
- Ma'ruza matnlari
- Darsliklar
- Qo'llanmalar
- Laboratoriya va amaliy ishlar
- Taqdimotlar
- Badiiy asarlar
- Referatlar
- Broshyuralar
- Magisterlik dissertatsiyalari
- Bitiruv malakaviy ishlari
- Hukumat hujjatlari
- Foydali resurslar

Hozir saytda

Hozirda online 0 nafar foydalanuvchi va 1 nafar mehmon mavjud.

Tizimga kirish

Foydalanuvchining ismi: *

Parol: *

Tizimga kirish

Yangi parol so'lash

1 2 3 4 5 6 keyingi oxirgi -

48-расм. Сайт интерфейси.

Яратилган электрон кутубхонада фойдаланувиларга қуйидаги имкониятлар мавжуд.

1. Янгиликлар бўлимида маълумотлар чоп этиб бориш тартиби янги киритилганлар бошига жойлаштирилиб боради.
2. Боғланиш бўлими орқали талабалар ўзларини қизиқтирган саволларни кутубхонанинг махсус электрон почтасига юборишлари ва жавоб олишлари мумкин.

Bog'lanish
Quyida joylashgan bog'lanish shaklidan foydalanib xabar qoldirishingiz mumkin.

Ismingiz: *

E-maillingiz: *

Mavzu: *

Xabar: *

CAPTCHA
This question is for testing whether you are a human visitor and to prevent automated spam submissions.

Matematik savol: *
6 + 7 =

Ushbu sodda matematik misolni yeching va javobni kiriting. Misol uchun 1+3 bo'lsa 4 yozasiz.

Yuborish

49-расм. Боғланиш формаси.

3. Сайт харитаси бўлимида сайтнинг асосий структураси кўрсатиб ўтилган.

Sayt xaritasi
Asosiy menyu

- Yangiliklar
- Manzil
- Bog'lanish
- Sayt xaritasi

Axborot resurslari


- O'quv uslubiy qo'llanmalar
- Ma'ruza matnlari
- Darstliklar
- Qo'llanmalar
- Laboratoriya va amaliy ishlar
- Taqdimotlar
- Badiiy asarlar
- Referatlar
- Broshyuralar
- Magisterlik dissertatsiyalari
- Bitiruv malakaviy ishlari
- Hukumat hujjatlari
- Foydali resurslar

O'quvchilar uchun

- Kutubxona haqida
- Kutubxonalik va a'zolik


50-расм. Сайт харитаси бўлими.

4. Тиллар блокида 3 та тил ўрнатилган бўлиб ўзларига қулай тилни танлаш имкониятига эга.



51-расм. Тиллар блоки.

5. Излаш блоки орқали сайтдан маълумот излаб топиш имконияти ярилган.



52-расм. Қидирув натижалари ойнаси.

6. Адабиёт русурслари бўлимида сайтга жойлаштирилган адабиётлар бўлимларга бўлинган тарзда жойлаштирилган.
7. Хозирда сайтда бўлимида айна пайтда сайтда нечта фойдаланувчи мавжудлиги кўрсатибборилади.

3.3 Тизимнинг самадорлик кўрсаткичлари

Замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган кўп функцияли сайт яратиш ташкилот, корхонадан катта маблағ талаба этади. Бироқ шундай технологиялар ҳам борки булар ёрдамида PHP ва MySQLни билмаганлар ҳам кўп функцияли сайт ярата олади. Бундай технологияларни WYSIWYG технологиялар деб аталади. Ва яна шундай дастурий таъминотлар ҳам борки булар WYSIWYG технологиялар асосида ишлайди ва барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда сайт куриш мутлақо бепулдир. Бундай

тизимлар ичида Drupal ўз ўрнига эга. Drupal тизимида яратилган ТАТУ Фарғона филиалининг электрон-кутубхонаси сайти яқин келажакда Drupalнинг қўшимча модуллари ёрдамида самарали ишлайди.

IV. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Шахсий ЭҲМ лар билан ишлашда ишлаб чиқаришнинг хавfli ва зарарли факторлари

Техник ривожланиш асрида ва теварак атрофнинг ифлосланиши шароитида экология ҳамда инсонлар саломатлигини сақлаш масалалари борган сари актуаллашиб бормоқда.

Ушбу битирув малакавий иши ишлаб чиқариш жараёнларининг умумий хавфсизлик талабларига, ишлаб чиқариш воситаларининг умумий хавфсизлик талабларига, шовқинларнинг умумий хавфсизлик талабларига, ишлаб чиқариш бинолари микроклимининг умумий хавфсизлик талабларига ҳамда жаҳон ISO 14000 талабларига тўла мос келади.

Ушбу бобда биз ЭҲМ ишлаётган операторнинг саломатлигига ҳамда меҳнатнинг оптимал ташкил қилиш бўйича тадбирларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган айрим ишлаб чиқариш факторлари устида тўхталиб ўтамиз. Ташкилотчиларнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири шуки, ЭҲМ опреаторлари учун шундай иш ўринлари ва шароитларни яратишлари керакки, ЭҲМ операторининг иши нафақат юқори самарали, балки қулай ҳам бўлиши керак бўлади.

Қуйидаги жадвалда ЭҲМ операторининг меҳнат қобилиятига салбий таъсир кўрсатувчи факторлар келтирилган.

Иш ўрни:

- ёруғлик;
- нурланиш;
- мебел.

бинолар:

- иш ўрни;
- товуш изоляцияси;
- ҳаво;
- интерер.

Иш режими:

- чарчоқ;
- бир ҳилдалик.

Микроклим:

- температура;
- намлик;
- чанг.

Ёритилганлик:

- табиий;
- сунъий;
- умумий;
- маҳаллий.

Оператор, асосан, ўтирган ҳолда меҳнат қилади. Иш ўрнини лойишатиришда албатта, фиксирланган иш ҳолати физиологик жиҳатдан яхши эмаслигини назарда тутиш керак. Чунки, бундай ҳолатда инсоннинг пастки органларида, оёқ, бел бўғимларида қон айланишининг яхши бўлмади ва бу нарса касбий касалликларга (масалан, веналарнинг варикоз кенгайишига) олиб келиши мумкин. Ҳаракатлар чекланган бир пайтда организмнинг (таянч ҳаракат аъзоларида, нафас олиш органларида, овқат ҳазм қилиш органларида) фаолияти бўзилади, гиподинамия, яъни кам ҳаракатлилик касаллиги юзага келиши мумкин.

ЭХМ операторига шунингдек, ЭХМ дан таралаётган нурланиш ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Масалан, электрон нур трубкиси концентрланган нурлар оқимини юзага келтиради, экраннинг кучли ва билинар билинмас "титраши" кучсиз бўлсада, электромагнит нурланишларини ҳосил қилади. ЭХМ операторининг иш ўрнини ташқил қилишда энг муҳим факторлардан бири – бу ёритилганлик масаласидир. Амалий жиҳатдан табиий ва сунъий ёритишга албатта эҳтиёж пайдо бўлади. Кўпинча, ЭХМ билан ишлаётган одамлар экранни имқони борича ёриштириб, бинонинг ёруғлик манбасини ўчириб қўйишади. Бир қараганда, кўриниш яхшиланганга ўхшайди-ю, аммо аста - секин одам ўз кўриш қобилиятини пасайганлигини сезмай қолади.

Конструктив ва техник ечимлар. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий тадбирлар

Иш ўрни. Компютер билан ишлайдиган ҳар бир одам унинг бир қатор салбий таъсирларини сезиши мумкин. Аммо бундай таъсирлардан иш куни

ва операторнинг иш ўрнини тўғри ташкил қилган ҳолда фориғ бўлиш мумкин.

Шунинг учун доимий равишда ЭХМ ёнида ўтириб ишлайдиган шахслар учун иш ўринларини лойиҳалаштириш алоҳида эътиборга молик масала ҳисобланади. Гавданинг таянч майдонга босими тенг тақсимланган бўлиши талаб қилинади. Бундай самарага фақатгина креслони инсон гавдасининг анатомик тўзилишига тўла мос бўлгандагина эришиш мумкин. Ҳозирги кунда шарнирларга ўрнатилган креслолардан кенг фойдаланилмоқда. Бу элемент иш вақтида гавдани бошқаришга ҳамда қисқа муддатли дам олишга имкон беради.

Видеомонитор экрани оператор кўзидан 600-700 мм, аммо экрандаги алфавит ва бошқа белгиларнинг ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 500 мм дан кам бўлмаган масофада оптимал ўрнатилган бўлиши лозим. Албатта ҳимоя экрани, экран филтрлари ёки электромагнит нурланишларини қайтарувчи бошқа индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Меҳнат режими. Чарчоқни ва меҳнатнинг монотонлигини камайтириш учун ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланиш ёки иш жараёни иш позасини ўзгартириш яхши самара беради.

Чарчоқнинг олдини олиш учун асосий усул бўлиб оператор меҳнати ва дам олишини оптимал ташкил этиш ҳамда бир соатлик тушлик танаффус, иш вақтида қисқа муддатли (10-15 мин) дам олишларни йўлга қўйиш яхши натижа беради. Бинони яхшилаб ва мунтазам равишда шамоллатиш ҳам чарчоқни пасайтиришда катта ўрин тутди. Хонага кирган тоза ҳаво мия иш қобилиятини ҳамда қон айланишини яхшилади, чарчоқни пасайтиради. Хонага кирадиган ҳаво миқдорини йилнинг илик, иссиқ, совуқ даврларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

ЭХМ лар ва видео-дисплейли терминаллар жойлашган биноларнинг микроклими учун оптимал нормалар.

| <i>Йил даври</i> | <i>Меҳнат категорияси</i> | <i>Ҳаво температура-тураси, °С</i> | <i>Ҳавонинг нисбий намлиги, %</i> | <i>Ҳаво оқимининг тезлиги, м/с</i> |
|------------------|---------------------------|------------------------------------|-----------------------------------|------------------------------------|
| Совуқ | Энгил 1 | 22-24 | 40-60 | 0,1 |
| Илиқ | Энгил 1 | 23-25 | 40-60 | 0,1 |

Нур тарқатишлар

Нур тарқатиш – бу Компютер билан ишлашда учрайдиган зарарли фактордир. “Компютер техникасининг асосий камчилиги- нур тарқатишдир. Нур тарқатишнинг каттагина қисми мониторга тўғри келади, чунки монитор ҳар томонга электромагнит ва электростатик майдон, экрандан эса радиация ва ултрабинафша нурларини тарқатади. Компютердан ташқари, лазерли принтер, нусха кўчириш аппаратлари, яҳни ички қисми юқори кучланишга эга бўлган техникалардан ҳам нур тарқалади. Бундан ташқари, тонер - картриж ичидаги таркибида оғир металл бўлган кукун ҳам ғоят хавфлидир. Шунингдек, узоқ вақт Компютер олдида ишлаш кўз учун ниҳоятда зарарлидир.

Компютер техникасидан таралаётган нур инсон организмига қандай зарар этказиши мумкин?

Авваламбор, марказий нерв системасига жуда катта зиён этказилади. Бунда, айниқса, болалар азият чекадилар. Киши тез - тез асабийлашадиган бўлиб қолади, диққатини бир жойга жамлаш қийин кечади, стрессларга берилиш даражаси ошади. Юрак - томир системаси ва юқори нафас олиш йўллари касалликлари вужудга келади, иммунитет пасайиб кетади.

Қуйидаги шартларга амал қилсангиз, бу дардларни четлаб ўтиш мумкин:

- Монитордан 40-50 см масофада бўлинг;

- Сифатли ҳимояси бўлган яхши монитор сотиб олинг;
- Мониторингиздаги тасвир етарли даражада аниқ бўлсин;

Столни танлаш

Стол имқони борича катта бўлиши лозим. Бу асосий шартдир, чунки агар барча мосламаларни ўрнатиш учун жой камлик қилса, эргономика тўғрисида эсламаса ҳам бўлади. Столнинг баландлиги қорин ўртаси билан бир сатҳда бўлиши, оёқлар полда текис туриши, бўкса пол билан параллел бўлиши, гавда эса тик ҳолатда бўлиши керак.

Шунингдек, стол канча оғир бўлса, шунча яхши. Стол қимирламай, маҳкам туриши керак, чунки вибрация – техника душмандир. 2та столни тўғри бурчак остида бир-бирига ёнма-ён қилиб қўйсангиз ундан ҳам яхши, бунда иккинчи столни ишлаётган кўлингиз сичқончадан бемалол фойдаланиши учун ўнг томонга қўйинг. Стол ва девор ўртаси очик турсин. Яхшиси компьютер учун махсус стол олганингиз маъқул.



53-расм. Махсус столлар.

Дастурчи – оператор иш ўрни учун оптималлаштирилган зарур бўлган 19 фазовий катталиклар белгиланган. Тавсия этилаётган катталиклар антропологик маълумотларни ҳисоблаш йўли ва график қуришлар асосида аниқланган.

Электр токининг одамга таъсири

Электр жиҳозлари ишлатиши ва тўзилиш вақтида одам электр токи кучланиши таъсири остида қолиши мумкин.

Кучланишга кўра электр қурилмалари 1000 В га ва 1000 В дан юқори кучланишли қурилмаларга ажратилади.

Ишлаб чиқариш индустриясининг янада ривожланиши мамлакатимизнинг энергия билан таъсирланганлик даражасининг устига чамбарчас боғлиқдир. Ишлаб чиқариш корхоналарида механизациялаш технологик жараёнларни автоматлаштириш кенг жорий қилинмоқда. Электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш боғлиқ турли ихтисосликларда ишловчи ишчилар сони кўпайиб бормоқда. Бинобарин, уларнинг электр токидан шикастланиши эҳтимоли ҳам ортиб бормоқда. Шу боис инсон организмига электр токининг таъсирини ўрганиш электр токидан шикастланиши сабабларини таҳлил қилиш ишлаб чиқаришда хафсиз меҳнат шароитларини яратиш учун жуда муҳимдир.

Токнинг электр таъсири қон ва бошқа органик суюқликларнинг парчаланишида намоён бўлади. Оқибатда уларнинг физик – кимёвий таркиби бўзилади.

Токнинг биологик таъсири организмнинг тирик тўқималари яллиғланиши ва асабийлашида намоён бўлади.

Одам организми электр токининг таъсири қандай оқибатларга олиб келишига қараб, электр токи уришининг шартли равишда қуйидаги тўрт даражага ажратиш мумкин:

1. Даража одамнинг мушаклари тортишиб қолади, аммо у хушидан кетмайди;
2. Даража одамнинг мушаклари тортишиб қолади, у хушидан кетади, лекин у нафас олади ва юраги ишлайди;
3. Даража одамнинг мушаклари тортишиб, юрагининг ишлаши ёки нафас олиши бўзилади (ёки иккалови баравар рўй беради);

4. даража клиник ўлим юз беради, яъни нафас олиш ва қон айланиши тўхтайд.

Электр токи таъсирининг оқибатида қатор омиллар:

Одамдан ўтаётган ток кучи ва унинг таъсири этиб туриши вақтига ўтиш йўлига, тармоқ кучланишига, одам танасининг қаршилигига, ток тури ва частотасига ҳамда организмнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

Электр қурилмаларида қўлланиладиган кучланишлар одамларни шикастлаш хавфи даражасига кўра уч турга; паст вольт ---12 ва 42В, ўрта— 42 дан 1000В гача ҳамда юқори –1000 дан зиёд кучланишларга ажратилади. Паст вольтли кучланиш шартли равишда хавфсиз ҳисобланади, аммо муҳитга боғлиқ равишда бундай кучланиш ҳам хавф туғдириши мумкин.

Одам танасидан утувчи токнинг қиймати бош омил бўлиб, шикасланиш оқибати унга боғлиқдир: ток қанча катта бўлса, унинг таъсири шунча хавфли бўлади. Одам ўзи орқали ўтаётган 50 Гц частотали ва нисбатан кичик 0,5— 1,5 мА қийматли токни сеза бошлайди. Бу ток сезиларли ток деб аталади. У одамни шикастламайди, шунинг учун хавфсиз ҳисобланади.


ЯШИН ҚАЙТАРГИЧЛАР

Момақалдирок бўлиб, чакмоқ чакқан вақтда атмосферада ҳосил бўладиган электр кучланишлари 1500000 В ток кучи 20000 А га боради. Бундай катта кучланиш ва ток кучи таъсирдан ер юзидаги кўпгина қурилишлар ёниб кетиши, бўзилиши ва шикастланиши мумкин. Қурилиш биноларини муҳофаза қилиш, одамлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида sanoat корхоналарида яшин қайтаргичлар ўрнатилади. Яшин қайтаргичлар СН 305-77 асосида амалга оширилади. Яшин қайтаргичлар, асосан, яшин қайтаргич ўрнатиладиган устун, яшин тутиш қурилмаси, ток ўтказгич ва ерга уланган қисмлардан иборат бўлади. Яшин қайтаргичнинг икки хил туридан: таёқсимон ва тўқилган арқонсимон турларидан фойдаланилади. Улар бинодан айрим ўрнатилган ёки бино ичига киритилган ҳолда ўрнатилиши мумкин.

Яшин қайтаргичнинг муҳофазалаш қобилияти унинг электр токини яхши ўтказувчанлиги ва ерга чуқур ўрнатилган металл қисмлар орқали яшинни ерга ўтказиб юборишига асосланган. Бунда яшин қайтаргич муҳофазаланаётган бинога нисбаган баланд ўрнатилганлиги ва унинг электр токининг оқиб ўтишига қаршилиги кам бўлганлиги учун яшин бинони шикастламайди ва ерга ўтиб кетади Яшин қайтаргич муҳофаза қилаётган зонанинг яшиндан муҳофаза қилиш коэффициенти 0,99 га тенг.

ЕРГА УЛАБ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ҳар қандай электр қурилмаси, агар унинг металл корпусларида электр кучланиши ҳосил бўлиш хавфи бўлса, қайси жойда ва қандай бинода ишлатилишидан қатъи назар, унинг корпусини ерга улаб қўйилади ва бу электр қурилмаларини ерга улаб муҳофаза қилиш деб аталади.



54-расм. Ерга уланиш схемаси.

Эрга улаб муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти ишлатилаётган электр асбобларининг металл корпусларида электр кучланиши пайдо бўлса, уни ерга ўтказиб юборишдан иборат .

Электр қурилмаларни ерга улаб муҳофаза қилишнинг асосий хусусияти, қурилма корпусига ўтиб кетган кучланишни хавфсиз кучланиш даражасига тушириш, шунингдек, ерга уланган жой атрофида потенциаллар айирмаси ҳосил бўлмаслигини таъминлашдан иборат.

Қонтурли ерга улаш кучланишни ва қадам кучланишини камайтирувчи табиий ерга улаш бўлишидан қатъий назар кучланиши 1000В юқори бўлган электр қурилмаларда қўлланилади.

Эрга улаш майдонида (огач) ерга улагичлар сони (ҳисобсиз) иккидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳимояловчи нейтралли ва кучланиши 1000В гача бўлган электро қурилмаларни ҳисоблаш натижасида ерга уловчи электродлар сони ва ерга уловчи қурилманинг қаршилиги аниқланади. Ерга уловчи қурилмаларни ҳисоблашда уларнинг ерга нисбатан қаршилиги «электроқурилмалар» қондасида рухсат этилган чегарадан ошиб кетмаслиги лозим.

Кучланиши 1000 В юқори бўлмаган ва ерга туташ токи кичик бўлганда ерга уловчи қурилмалар йилнинг барча вақтларида қуйидаги шартни қондириши лозим.

$$R_{ep} = 250$$

3 эр лекин 10 Омдан кам бўлмаслиги керак.

Агарда ерга уловчи қурилмадан бир вақтнинг ўзида 1000 В гача бўлган ва ундан юқори бўлган установкаларда қўлланилса қуйидаги қаршиликка эга бўлади.

$R_{e.y.} = 125$ 33 лекин 10 Омдан юқори бўлмаслиги лозим (бунда трансформатор қуввати 100 кВА бўлмаган ҳолда , юқори қувватда 4 ом)

Бунда 33 ҳисобланган ерга тутатиш тони – А

R3 ерга улаш қурилмаси қаршилиги – Ом

125 ва 250 корпусни ерга нисбатан кучланиши максимал қиймати – Ом.

Сунъий ерга улашни ҳисоблашда бир жинсли ерга вертикал ўрнатилган ерга уловчини қаршилиги аниқланади.

$$R_{mp} = \frac{0.366 \cdot \rho}{l} \left(\lg \frac{2l}{d} + \frac{1}{2} \lg \frac{4h+l}{4h-l} \right)$$

бу ерда l - ерга улагич узунлиги, см;

d - Труба диаметри, см;

h - Трубани ерга ўрнатилган чуқурлиги – см;

ρ - Грунтнинг солиштирма қаршилиги, Ом*см;

Бир жинсли ерга улагич қаршилиги нормадан юқори бўлса, бир жинсли ерга улагич ўрнига бир гуруҳ ерга улагичлар қўлланилади. Улар 2,5-5 м ораликда ўрнатилади.

Эрга улагичлар (трубалар) сони қуйидаги формуладан топиш мумкин.

$$n = \frac{R_{mp}}{R_3 \cdot \eta}$$

бу ерда R_3 - меъёр бўйича ерга уловчи қурилма қаршилиги

η - трубкали ерга улагичлардан фойдаланиш коэффициенти.

Бир жинсли ерга улагичларни бир нечтаси бир ерга улагич сифатида бириктирилгандаги қаршилиқлар йиғиндиси қуйидагича аниқланади:

$$R_{omp} = \frac{R_{mp}}{\eta \cdot n}$$

бу ерда - трубалар сони.

Қонтурли ерга улагичлар ўрнатишда бириктириш паласанинг ток оқимиға қаршилиги ҳисобға олинади. Бириктириш паласаси узунлиги ҳар бир электродлар орасидаги масофа улар узунлигига тенг деб олинади.

Полосада тенг оқими қаршилиги қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$R_n = \frac{0.366}{l} \lg \frac{2l^2}{bh} \cdot \frac{l}{2h} \geq 2.5 \quad \text{бўлганда}$$

Бу ерда l – полоса учунлиги – см, b – полоса кенглиги

Параллел улаш қонуниға асосан ерга уловчи қурилма умумий қаршилиги қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$R_{обц} = \frac{R_{omp} \cdot R_n}{(R_{omp} + R_n)\eta} \leq R_3$$

бу ерда η - фодаланиш коэффициенти ёки экранлаш.

ХУЛОСА

Мен Тошкент Ахборот Технологиялари Университети Фарғона Филиали Компьютер инжиниринги факультети IV босқич 610-10 гуруҳ талабаси Тўхтасинова Ойгул “Олий таълим муассасалари учун “Электрон кутубхона” интерактив хизматини яратиш” мавзусида малакавий битирув ишини ёздим. Унинг режалари кириш, таҳлилий қисм, амалий қисм, меҳнат муҳофазаси, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Аналитик қисмда ахборот технологиялари тўғрисида ўз билимимни намойиш этдим. Ҳаммамизга маълумки 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги Фармони қабул қилинди ва бу фармон юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ва 2002-2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади, уларда телекоммуникациялар ва малумотлар узатишни ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди ва бугунга келиб юртимизда фаол сайтлар сони 18 мингдан ортиди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб бугунги кунда очик кодли Веб сайт яратиш тизими ҳисобланган Drupalда сайт яратиш босқичларини малакавий битирув ишимни лойиҳалаш қисмига киритдим. Drupal тизимининг бошқа CMS тизимларидан афзалликларини ҳам шу қисмда тушунтириб бердим. Тадбиқ қисмида бўлса ТАТУ Фарғона филиали мисолида Drupal тизимида сайт яратишни кўрсатиб бердим. Ушбу ишларни бажаришда CMS Drupalнинг 6.29 версиясидан фойдаландим. Бу малакавий битирув ишимни тўрт йил давомида олган билимларимдан фойдаланган ҳолда ёздим. Шу қаторда малакавий битирув ишда жуда ҳам кўп билимларга эга бўлдим. Ушбу тизим мен учун янги бўлганлиги учун бошда қийналган бўлсамда Веб сайтлар қандай ишлаши ва ишлашида қандай тизимлардан фойдаланишлиги тўғрисида батафсил

маълумотга эга бўлдим. Сайт яратиш давомида Drupal тизимини имконияти кенглигига яна бир бор амин бўлдим ва келгусида унинг янги версияларини ўрганиб боришни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Жахон молиявий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент, март, 2009.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. -174 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. –54 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: Шарқ, 1998. - 62 б.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси /"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар.- Тошкент: Шарқ, 1998. – 184 б.
6. И.А.Каримов. «Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». «Шарқ» нашриёти. Тошкент – 1998 йил.
7. И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида». «Шарқ» нашриёти. Тошкент – 1997 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари туғрисида» ги қарори. «Маърифат» газетаси. 2002 йил 8 июнь.
9. Андрей Грачев «Создаем свой сайт на Drupal. Быстро, легко и бесплатно» 2011 г. Издательство: Питер, - 288 с.
10. Дроздев Н. - Создай свой собственный Drupal сайт, 2011 - 39 с.
11. С.Г. Горнаков. Осваиваем популярные системы управления сайтом. - ДМК-Пресс, 2009г.-16
12. Жонн К.Вандюк. “Pro Drupal development” Second edition. “Appress”, 2008 й.
13. Ремеге. “Уроки Drupal – или сказка о том как создать сайт” видеокурс. 2009 г.

14. Ш.А.Назирова, Р.В.Қобулова. “Маълумотлар базаларини даштурлаш, чуқурлаштирилган курс”. “Тошкент”, 2006 й.
15. А.А.Абдуқодиров, А.Ғ.Хайитов, Р.Р.Шодиев «Ахборот технологиялари». «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент -2001 йил.
16. Арипов М.М. “Информатика ва ахборот технологиялари”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2002 й.
17. Х.Раҳимова, А.Аъзамов, Т.Турсунов. «Меҳнатни муҳофаза қилиш». «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент - 2003 йил.
18. <https://drupal.org/documentation/build> – Drupal Site Building Guide.
19. <http://www.drupal.ru/book>– Документация о Drupal/
20. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Drupal>- Drupal ҳақида Wikipedia маълумоти.